Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 28 (21. 147) 1992 йил 8 февраль шанба

Баҳоси 60 тийин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ («ЎЗДОНМАҲСУЛОТ») ДАВЛАТ КОНЦЕРНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг новвойхона, тегирмон ва омихта ем саноати корхоналари ва бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг иш самарадорлигини ошириш мақсадида ҳамда меҳнат жамоаларининг таклифларини эътиборга олиб:

1. Ўзбекистон Республикаси Дон маҳсулотлари вазирлиги тугатилсин ва унинг негизида Ўзбекистон республикаси Дон маҳсулотлари («Ўздонмаҳсулот») давлат концерни ташкил этилсин.

2. «Ўздонмаҳсулот» давлат концерни Ўзбекистон Республикаси Дон маҳсулотлари вазирлигининг ҳуқуқий вориси деб ҳисобланиб, унинг зиммасига:

республика халқ хўжалигини ва аҳолисини овқатбоп дон, ун ва нон, қандолат маҳсулотлари, омихта ем билан таъминлаш;

тармоқда ягона технология сиёсатини амалга ошириш;

новвойхона, макарон, тегирмон-ёрма ва омихта ем саноати корхоналари ва бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштириш вазифалари юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида Фармонни рўёбга чиқаришга доир ташкилий тадбирларни кўзда тутувчи қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 6 февраль.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Воқеалар. Янгиликлар. Шарҳлар.

ИШЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Нарх-наво юқорилаб кетаётган ҳозирги пайтда Жиззах устки трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ҳамроқул Носиров номли жамоа хўжалигида ташкил этилган фабрикаси якка тартибда уй қураётган ходимларига маҳсулот алмашув йўли билан ёрдамлашмоқда. Фабрика маъмурияти Россиянинг Свердловск вилоятидаги ёғоч тайёрлаш комбинати билан ўзаро фойдали шартнома тузди. Шунга кўра жиззахликлар корхонада ишлаб чиқарилаётган болалар кийим-кечакларини жўнатиб, ўрнига уч вагон ёғоч олишди. Келтирилган маҳсулот бозордагидан анча арзонга сотилди. Корхона жамоаси бундай фойдали ҳамкорликни янада кенгайтириш ниятида.

ЯПОНИЯ ФИРМА ДЎКОНИ

Самарқанддаги кўҳна Регистон мажмуаси қаршисида яқин орада Японияда ишлаб чиқарилган буюмлар билан савдо қилувчи дўкон очилади. Сиёб район кенгаши раёсатининг «Сони» фирмаси вакиллари билан тузган шартномасида ана шу тадбир ҳам кўзда тутилган. Дўконни кўркам қилиб қуриш учун фирма ўн уч минг Америка доллари ажратди.

Дўкон ишга тушгач, бу ердан «Сони» фирмасида ишлаб чиқарилаётган видеомагнитофон, видиокамера, радио, аудиотехника ва бошқа электр жиҳозларини сотиб олиш мумкин. Ўз валютасига эга корхона ва ташкилотлар, шунингдек алоҳида кишилар, шаҳарга ташриф буюраётган меҳмонлар бу маҳсулотларнинг асосий харидорлари бўлишади.

ФАБРИКА ҚУРИЛЯПТИ

Олтинсой районида «Осиё» хусусий кичик корхонаси ташкил этилди. Кооперативга тегишли эски бинода иш бошлаган корхона ҳозир ўзига икки қаватли янги бино қурмоқда. Қурилишни бошлаш билан айни пайтда бу ерда ишлатиладиган хорижий дастгоҳлар ҳам келтириб қўйилди. Бино қурилиши ниҳоясига етгач, Америка Қўшма Штатларининг «Веста» фирмаси вакиллари ўз асбоб-ускуналарини ўрнатишади. Йил охиригача эса бу ерда 300 дан ортиқ тўқувчи меҳнат қилиши мумкин бўлган кичик фабрика қурилади.

(ЎзА мухбири).

Задарё районидаги «Гигант» жамоа хўжалигида фермерлар сони тобора кўпаймоқда. Масалан, Исмонжон Жалилов ўз оила аъзолари билан икки йил аввал хўжаликдан 40 минг сўм қарз олиб 20 бош қорамол сотиб олган эди. Ҳозиргача у 70 тоннадан ортиқ сут топширди. Ўтган йили эса давлатдан 400 минг сўм қарз олиб 50 бош қорамолга мўлжалланган молхона қурди ва 40 бош қорамол боқмоқда.

Суратда: илғор фермер Исмонжон Жалилов.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ТАЙИНЛАНДИ

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

— Асосий масалага ўтишдан илгари, — деди Президент, — кейинги вақтда республикамиз ички ва ташқи сиёсатида рўй бераётган муҳим воқеалар ҳақида қисқача гапириб ўтсам. Чунки илгари йиғилишларда нуқул пахта ёки бошқа қишлоқ хўжалик ишлари ҳақида сўзланиб, у ёки бу раҳбарни «дўппослаш»дан нарига ўтилмасди. Мана, ниҳоят, биз ҳам мустақил республика бўлиб, давлатимиз иқтисодиёти, ташқи олам билан олиб бораётган алоқаларимиз ҳақида очиқ-ойдин гапириш имкониятига эга бўлдик. Бугунги кунда Ўзбекистонни 89 мамлакат мустақил давлат сифатида тан олди. Улар биз билан иқтисодий алоқалар боғлашга шайланиб туришибди.

И. А. Каримов ўз нутқида хорижда Ўзбекистон Республикасининг обрўси тобора ортиб бораётганлиги ва у Европа Ҳавфсизлик Кенгашига аъзо бўлганлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Айниқса Швейцарияда иқтисод масалаларига бағишлаб ўтказилган умумжаҳон анжумани чоғида чет элликлар Ўзбекистонга алоҳида эътибор билан қараганликларини айтди.

— Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб кириши, — деди нотиқ, катта сиёсий воқеа бўлади. БМТ Бош ассамблеяси бу масалани муҳокама этиш арафасида турибди.

Шундан сўнг Президент республиканинг иқтисодий салоҳияти, Ўрта Осиё жумҳуриятлари ўртасида тутган ўрни ҳамда яқин келажакдаги истиқболи ҳақида батафсил гапирди. Айниқса бу йил баҳор деҳқонлар учун янада масъулиятли эканлиги, жумҳуриятимизнинг иқтисодий тангликдан чиқиб олиши кўп жиҳатдан эртаки экинлардан олинадиган ҳосилга боғлиқ эканлигини уқдириб ўтди.

Сессияда вилоят ҳокими тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Республика Президенти томонидан тайинланган С. Д. Сайдалиев Тошкент вилояти ҳокими этиб тасдиқланди. У шу вақтга қадар халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси бўлиб ишлаб келар эди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. Йўлдошев иштирок этди.

П. НИШОНОВ,
ЎзА мухбири.

ТАКЛИФЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ

Ўзбекистон газета ва журналларида бугунги қийин иқтисодий аҳвол муносабати билан журналистларга ёрдам кўрсатиш мақсадида республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан махсус ҳукумат комиссияси тузилди.

Сизлардан барча таклифларингизни Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига зудлик билан юборишингизни сўраймиз.

Уюшма манзили: **700129, Навоий кўчаси, 30-уй.**
Телефонлар: **44-19-76, 44-64-61.**

СИЁСИЙ ТЎҚИМАЛАР ВА СИЁСИЙ ВОҚЕЛИК

М. РАСУЛОВ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТИ, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ КОТИБИ.

Тақдир тақозоси билан ҳаммамизга мураккаб ва оғир бир даврда яшаш тўғри келаяпти. Иқтисодий таназзул чўзилиб кетди. Сиёсий ларзалар давом этаяпти. Иттифоқ парчаланди, унинг собиқ ҳудудида мустақил давлатларнинг шаклланиши каби ўзига хос жараёнлар кечмоқда. Буларнинг барчаси муқаррар тарзда юз минглаб, миллионлаб кишиларнинг, ҳар бир инсоннинг тақдирига таъсир этмай қолмади.

Бу жараёнлар олдимизга мураккаб муаммолар мажмуасини қўяётганлигини ҳеч ким инкор этмайди. Чунончи, миллатлараро муносабатлар сингари нозик соҳада ҳам муаммолар юзага келаяпти. Бу тушунарли, албатта. Кечагина ягона давлатнинг фуқаролари бўлган кишилар бугунги кунга келиб беихтиёр чегараларнинг турли томонларига ўтиб қолишди. Бунинг устига ўн миллионлаб кишилар ўзлари учун тарихий Ватан бўлган давлатларнинг ҳудудларидан ташқарида қолиб кетишди.

Кўплар ҳали қандай ҳолга тушиб қолганликларини тўла англаб етганларича йўқ. Бироқ, бу ҳодисалар қалбида бирор из қолдирмаган кишини топиш қийин. Устига-устак бу муаммолар ҳақида сўз юритилганда бағоят эҳтиёткорлик талаб этилади. Хусусан, кўп миллионли аудиторияга эга бўлган «Комсомольская правда» дек рўзноманинг муштарийлари олдида бундай масала кўтарилаётганида, айниқса, эҳтиёткорлик лозимдир. Худди шу боисдан ҳам Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси менга «Русские на фоне мечетей» («Мачитлар соясидаги руслар») мақоласида кўтарилган бир қатор масалалар юзасидан муносабат билдиришни топширди.

Аввламбор мақола муаллифлари бу масалалар ҳақида фикр юритганда миш-мишлар, шубҳа-гумонлар ва кўча-кўйдаги гап-сўзлардан фойдаланишни афзал кўрганликлари кишини ажаблантиради. Ваҳоланки, улар ишончли манбалардан фойдаланиш истагини билдиришганда, шак-шубҳасиз, бундай имкониятлар яратилган бўлур эди. Далиллар жуда қайсар бўлади. Бундай далилларнинг кўпи эса айтилаётган даъволарга тамоман зиддир.

Хўш, гап нима ҳақида ўзи?

Биринчидан, рус забонли аҳолининг кўчиб кетаётганлиги ҳақида. Албатта, уларнинг кўпчилигини бундан буён қаерда яшаш масаласи ўйга солмоқда. Тақдир тақозоси билан туғилиб ўсган, уй-жой, оила, дўстлар орттирган, авлод-аждодлари қабри ётган заминда қолсинларми? Ёки иссиқ ўринларини совутиб, ўз тарихий Ватанларига кўчсинларми? Ҳар бир инсон, мустақил Ўзбекистон Қонунларида кафолатлаб қўйилганидек, бу масалани ўз ҳоҳиш-иродаси билан ҳал этишга ҳақлидир. Республикадан кўчиб кетиш ниятида бўлмаганларни ҳеч ким кетишга ундаётгани йўқ. Худди шунингдек кетишга қарор қилган кишиларни ҳам ҳеч ким айблаётгани, улар йўлига тўсиқ қўяётгани йўқ. Бунинг устига кетаётганларга қарши ҳукумат томонидан қандайдир иқтисодий жарималар солинаётгани ҳақидаги даъволар ҳам мутлақо асоссиздир.

Ҳар бир давлатда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам аҳолининг кўчиш жараёнлари табиий тарзда юз бераяпти. Бироқ, бундай кўчиш мақолада айтилган даражада кенг кўлам касб этгани йўқ. Холис рақамларга мурожаат қилайлик. Ўтган йили республикадан 59,7 минг нафар руслар кўчиб кетишди, 20,7 минг нафар руслар эса доимий яшаш учун келишди. Республиканинг туб жойли бўлмаган аҳолиси орасида руслар, украинлар ва белоруслар 1,8 миллион кишини ташкил этади, бу 1985 йилдагидан анча кўпдир.

(Давоми 2-бетда).

Танишинг: Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири

Жўра АБДУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Жўра Абдуллаевич Абдуллаев Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири этиб тайинланди.

Ж. А. Абдуллаев 1927 йили Тошкент шаҳрида туғилди. У меҳнат фаолиятини 1944 йилда паровозда ўт ёқувчи ва машинист ёрдамчиси сифатида бошлади. 1953 йили Ўрта Осиё политехника институтининг энергетика факультетини битирди. Техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академики, Тошкент шаҳар кенгаши депутати. 1976 йилдан Тошкент Алоқа электротехника олийгоҳининг ректори. Ўнлаб монография, дарслик, қўлланма ва юзлаб илмий ишлар, ихтиролар муаллифи.

— Республикамизнинг истиқлол йўлидан дадил одимлаётганлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ҳам янгидан-янги вазифалар юкламоқда, — дейди Ж. А. Абдуллаев. — Бунинг учун ҳар бир соҳада етук, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш зарур. Олий ва ўрта махсус таълим мактабларининг келажакдаги равнақи бугун тайёрланаётган ёшларнинг билимига боғлиқ. Биз билимдон, замонавий техника илми билан қуролланган, етук ва истеъдодли иқтисодчи, техник ва маърифатпарвар мутахассис кадрлар тайёрласакгина, мустақил Ўзбекистонимиз янада фаровон бўлади. Бу юксак вазифаларни адо этиш ҳар биримизнинг виждоний ишимиздир.

М. ПИРМАТОВ.

АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкернинг Ўзбекистонга ташрифи муносабати билан

Ж. БЕЙКЕР

Жеймс Эддисон Бейкер (Йамес Аддисон Бакер) АҚШ давлат арбоби.

1930 йил 28 апрель куни Техас штатининг Хьюстон шаҳрида иши юришиб турган ҳуқуқшуноснинг бадавлат оиласида дунёга келган.

Отаси — Жеймс Эддисон. Онаси — Боннер (Минзда туғилган).

Пенсильвания штатидаги аслзодаларнинг фарзандлари ўқийдиган «Хилл Скул» мактабини битирган. 1952 йилда Принстон дорилфунунини тугатиб, ижтимоий фанлар бакалаври даражасини олган.

1952—54 йилларда АҚШ денгиз пиёда қўшинларида хизмат қилган.

1957 йилда Принстон дорилфунунини ҳуқуқ бакалаври даражаси билан битириб чиққан.

1957 — 81 йилларда Техас штати Хьюстон шаҳридаги «Эндрос, Кэрт, Кэмпбелл энд жоунс» ҳуқуқий фирмасининг адвокати.

1975—76 йилларда Ж. Форд маъмуриятида савдо вазирининг ўринбосари.

1981—85 йилларда — Оқ уй ходимлари аппаратининг раҳбари. 1985 — 88 йилларда — Р. Рейган маъмуриятида молия вазири. 1989 йил январидан — АҚШ давлат котиби.

Президент Ж. Форд (1976 йил), Р. Рейган сайловолди кампанияларида қатнашди. Ж. Буш сайловолди кампаниясига раҳбарлик қилди, Президент Ж. Бушнинг қалин дўсти ва маслаҳатчиси.

Америка ҳуқуқшуносларининг аъзоси.

Техас штати ва Хьюстон шаҳри ҳуқуқшуносларининг уюшмасининг аъзоси.

Сюзан Гарреттга уйланган (1973 йил). Саккиз фарзанди: биринчи никоҳдан тўрт фарзанди (хотини Мэри 1970 йилда вафот этган). Сюзаннинг биринчи никоҳдан уч фарзанд ва иккинчи никоҳдан Мэри Боннер исмли қизи бор.

Эшитмадим деманглар

РАСМИЙ ТАШРИФ

● Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцининг Францияга расмий давлат ташрифини жаҳон ахборот воситалари кенг шарҳламоқдалар.

Франция Президенти Франсуа Миттеран билан Ельцининг яккама-якка учрашуви бўлди. Суҳбатдошлар ядро қуролларини қисқартириш муаммоларига батафсил тўхталишган.

Франция пойтахти Парижда ташриф давомида иккала давлат ўртасида ҳамкорликнинг турли соҳасига оид ўн бешта ҳужжат имзоланади.

КОТИБНИНГ АЙТГАНЛАРИ

● Оқ уйда АҚШ матбуот котиби Марлин Фицуотер сўзга чиқди.

Котиб Қўшма Штатлар Франция Президенти Миттеранинг Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Франция ҳамда собиқ Совет Иттифоқи таркибига кирган давлатларнинг вакиллари иштирокида собиқ СССР ҳудудидаги ядро қуроллари хавфсизлиги масалаларини муҳокама қилиш мақсадида кенгаш ўтказиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлаганини хабар қилди.

ДЕЛЕГАЦИЯ ЭЪТИРОФИ

● АҚШ давлат котибининг ўринбосари Режинальд Бартолонью бошчилигидаги Америка делегацияси яқинда Москва, Киев, Минск ва Олмаотада бўлди.

Делегация Россия, Украина, Беларусь ва Қозоғистон ўз ҳудудларидаги ядро қуроли хавфсизлигини таъминлаш ва уларни бузиб ташлаш борасидаги режалари билан танишдилар.

АҚШ конгресси сенатининг куролли кучлар ишлари комитети йиғилишида тўрт мустақил республика ўз режаларини амалий бажараётганлиги таъкидлаб ўтилди.

ОНА САЙЁРАМИЗГА МЕҲР КЕРАК

● Найроби шаҳрида жаҳондаги 58 мамлакат вакиллари иштирокида ўтказилган анжуман ўз ишини якунлади.

Атроф-муҳит бўйича БМТ дастури бошқарувчилари кенгашининг бу галги сессиясида гап асосан она сайёрамизни қутқариб қолиш ҳақида борди. Анжуман «Атроф-муҳит аҳволи» (1972—1992 йиллар) «Сайёрамизни қутқариб қолайлик—муаммолар ва умидлар» номи билан қўшма маърузани кўриб чиқди.

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ ЭЪТИБОРИГА

● БМТ Бош котиби Бутрос Галининг Югославия юзасидан тайёрлаган навбатдаги маълумотининг хулосалари билан танишилса, ундаги бир фикр диққатни тортади.

Ҳозирги вақтда Югославияда юзага келган шарт-шароит Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мазкур мамлакатда тинчликни қўллаб-қувватловчи кучларини жойлаштириш учун тавсия қилишга имкон бермайди.

Юқорида тилга олинган маълумотнома хавфсизлик кенгаши аъзолари эътиборига тақдим этилган.

(Жаҳон агентликлари ва марказий рўзномалар хабарлари асосида тайёрланди).

СИЁСИЙ ТЎҚИМАЛАР ВА СИЁСИЙ ВОҚЕЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Рус забонли аҳолининг кўчиши халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларида танг вазиятни юзага келтирганлиги ҳақидаги гаплар ҳам далилларга мутлақо мос келмайди. Масалан, Янги Ангрен ГРЭСи ходимларини бу корхонанинг тўхтатиб қўйилганлиги ҳақидаги даъволар ажаблантириши мумкин, холос. Негаки, бу электр станциясининг тўртта энергия блоки узлуксиз ишлаб турибди, ўтган йили фойдаланишга топширилган олтинчи энергия блоки эса станциянинг қиш даврига тўғри келадиган энергия тақчиллигини бартараф этиб ишлаб турди. Амалда Сирдарё ГРЭСи қувватининг 90 фоизидан фойдаланиляпти.

Яқинда мен республиканинг йирик саноат марказларидан бўлган Чирчиқ ва Бекобод шаҳарларига бордим. Тошкентдаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Навоий вилоятидаги собиқ Иттифоқ тасарруфидаги бошқа йирик корхоналарнинг муаммоларини бевосита биламан. Ўз меҳнат фаолиятимни бошлаган «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги аҳвол билан ҳам яхши танишман. Бугунги кунда бу кўп миллатли меҳнат жамоаларининг ишини узлуксиз йўлга қўйиш чиндан ҳам мураккабдир. Лекин бу нарса гўёки кўплаб малакали мутахассисларнинг кетиб қолаётганлиги муносабати билан эмас, авваламбор илгариги Иттифоқнинг бутун иқтисодий маконини қамраб олган инқироз, таркиб топган хўжалик алоқаларининг барбод бўлганлиги, бошқа минтақалардаги шерикларнинг ўз мажбуриятларини бажармай қўяётганликлари билан боғлиқдир.

Иккинчидан, халқлар дўстлиги ҳақида. Мақола муаллифларининг Ўзбекистонда истиқомат қиладиган турли миллат кишилари ўртасида ўнлаб йиллар мобайнида таркиб топган яхши қўшничилик ва ўзаро ёрдамни мустаҳкамлаш ҳақида республика оммавий ахборот воситалари зўр бериб ёзаётганликлари тўғрисидаги киноялари ҳам, юмшоқроқ қилиб айтганда, тушунарли эмас. Шундай бўлган тақдирда ҳам наҳотки бу эзгулик, адолат, энг оддий одоб-ахлоқ қоидалари ҳақидаги умуминсоний тушунчаларга жавоб бермаса? Ёхуд кейинги йилларнинг воқеалари одамлардаги қийин пайтда жипслашиш, юзага келган муаммоларни баҳамжиҳат ҳал этишга бўлган табиий интилишни ҳам кўра олмайдиган даражада юракларимизни тошбағир қилиб юбордими? Кимлардир одамлардаги шу эзгу хислатларда ҳам юқори мартабали сиёсатчиларнинг ўйинини, уларнинг ўз ғаразли манфаатларини кўзлашларини кўришни хоҳлаб қолдиларми?

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бу борадаги нуқтаи назари қатъий. У айнан республика халқларининг манфаатларидан келиб чиқади ва уларнинг кўп асрлик анъаналарига асосланади. Партиянинг Дастурида биз барча миллат ва халқларнинг анъаналарига, диний эътиқодига, маданиятига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, улар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш тарафдоримиз, деб қатъий таъкидлаб қўйилган.

Бу — қатъий сиёсий йўлимиздир. Шундай йўлнинг ўтказилишидан Ўзбекистон аҳолисининг каттадан-кичик барчаси бугунги кунда тўла манфаатдор. Айни ана шу мақсаднинг кўзланаётганлиги ҳам республика Президенти, партиямиз етакчиси И. А. Каримовни бугунги кунда бутун халқ қўллаб-қувватлаётганлигининг асосий омилларидан биридир.

Учинчидан, ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва фуқаролар тотувлиги ҳақида. Бошқа республикалар қатори Ўзбекистон ҳам қатъий тарзда мустақиллик йўлига ўтди. Зеро, бу танлов ҳукумат маҳкамаларида туғилгани йўқ. Бундай йўлни халқнинг ўзи танлади. Ўтган йилнинг 29 декабрида ўтказилган умумхалқ референдумида Ўзбекистон мустақиллиги учун амалда катта ёшли аҳолининг барчаси овоз берди.

Ҳар бир киши мустақиллик — мураккаб йўл эканлигини яхши тушунади. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллаши учун биз ҳаммамиз кўп ва жўшқин меҳнат қилмоғимиз даркор.

Республикада фуқаролик, демократик жамиятни яратиш, замонавий иқтисодиётни юзага келтириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва унинг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланишини таъминлаш каби аллақачон пишиб етилган вазифаларни ҳал қилиш талаб этилади.

Бу вазифаларни ҳал қилиш калити эса ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва фуқаролар тотувлигини таъминлашдадир. Собиқ Иттифоқнинг айрим минтақаларида кейинги йилларда содир бўлган фожеали воқеалардан чиқариладиган аччиқ сабоқлар бошқа ҳар қандай йўл тартибсизлик ва бошбошдоқликка, бемаъни қон тўкишларга олиб боришини, ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги саъйи ҳаракатлар йўлига тўсиқ қўйишини яққол кўрсатди, биз бунга ишонч ҳосил қилдик.

Ана шуни яхши тушунган республика раҳбарияти ижтимоий-сиёсий барқарорликка, фуқаролар тотувлиги ва миллатлараро аҳиллиққа эришиш йўлини ўз сиёсатида асосий йўналиш қилиб танлаб олди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси, унинг Марказий Кенгаши ҳам ўз вазифасини ана шу йўналишнинг сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватланишини таъминлашдан иборат, деб билади. Биз қандай миллатга мансублиги, диний эътиқоди ва сиёсий қарашларидан қатъи назар барча кишиларни ана шу асосда бирлашишга, республика Президентини унинг ўлкамизнинг равнақ топиши ва бу ерда истиқомат қиладиган кишиларнинг муносиб турмуш тарзини таъминлашга бўлган саъйи ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга даъват этамиз.

Албатта, ҳеч кимга ҳокимият органлари ва ҳар қандай даражадаги лавозимли шахсларни танқид қилишни таъқиқлаб қўйиш ҳуқуқи берилмаган. Бироқ у ёки бу давлатнинг ички юридик қоидаларидагина эмас, балки халқаро ҳуқуқнинг ҳамма тан олган қоидаларида ҳам қонуний йўл билан сайланган ҳокимият органларига ҳурмат билан ёндашиш кераклиги таъкидланган. Шу боисдан ҳам биз мухбирларнинг мустақил Ўзбекистон Республикаси Президенти шаъни ва обрў-эътиборига тегадиган гапларни енгилтаклик билан айтишларини йўл қўйиб бўлмайдиган ҳол, деб ҳисоблаймиз.

Биз бу мақоланинг пайдо бўлиши тасодифий эмаслигини яхши тушунамиз. У 1989 йилдан буён бошланган мақолалар занжиридаги навбатдаги бўғин бўлиб, булар жамоатчиликнинг Ўзбекистонга ва унда ўтказилаётган ислоҳотларга нисбатан салбий муносабатини аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда шакллантириб келди ва шакллантириб келмоқда.

Биз буларнинг ортида муайян сиёсий кучлар борлиги ҳамда республика ва унинг халқининг тенглар ичида тенг бўлишга, ўз тақдирини мустақил равишда ўзи ҳал қилишга бўлган интилишлари уларга мутлақо хуш келмаётганлигига аминмиз. Мақолалар ортида бу кучларнинг одамларни ўзаро тўқнаштириб қўйиш, уларни миллати, этник келиб чиқиши, диний эътиқоди бўйича бир-бирига қарама-қарши қўйишга бўлган интилишлари яққол кўзга ташланиб қолаётир.

Айниқса, бундай ўйинни ёш муштарийга мўлжалланган рўзнома ўйнаётганлиги ва унинг яқин келажакда халқларимизнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнаши керак бўлган авлодга қаратилганлиги хавфлидир. Наҳотки, тарих ва ҳатто бугунги кунимиз ҳам бизга бераётган аччиқ сабоқлар кам бўлса? Наҳотки, биз шунчалик енгилтаклик билан кимга бўлсада эрк бериб қўйсак, одамлар ўртасида низо ва ўзаро бирбирига ишончсизлик уруғини сепаверсак?

Биз сўз эркинлигига қарши эмасмиз. Зеро, бизнинг партиямиз сўз эркинлигини фуқаролар эркинлигининг энг муҳим омилларидан бири сифатида қарор топтириш учун изчил ҳаракат қилмоқда. Бироқ биз бундай эркинликни хоҳлаган ишни қилиш учун бериб қўйилган ҳуқуқ, деб қарайдиган кишилар билан ҳеч қачон келиша олмаймиз. Шу туфайли ҳам мустақил давлатимизнинг ички ишларига биринчи марта эмас, балки кўпдан бери шу қадар қўпол ва юзсизлик билан аралашаётган рўзноманинг республикада бундан буён чоп этилиши мақсадга қанчалик мувофиқ эканлиги масаласини кун тартибига қўйишни тўла қонуний, деб ҳисоблаймиз.

Суратда: Самарқанд шойи тўқиш бирлашмаси биринчи цехнинг илғор ишчилари Мавлуда Зиёева билан шогирди Саодат Латипова. Улар меҳнатда бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Мавлуда Зиёева ўнлаб ёшларга тўқувчилик сирларини ўргатди. Кенжа шогирди Саодат билан шу кунларда 6 дастгоҳни маҳорат билан бошқариб, смена нормаларини ортиғи билан бажариб келмоқда. Улар тайёрлаган маҳсулот ҳамиша сифатли.

Суратқаш Ғ. АЛИЕВ.

Республикамиз бўйлаб

УЛАРДАН ИБРАТ ОЛАЙЛИК

● Сурхондарё вилоятидаги Комсомолобод пахта тозалаш заводининг ходимлари озиқ-овқат маҳсулотлари тақчил шароитда ҳам қийинчиликни сезишмаяпти. Завод ёрдамчи хўжалигини ривожлантириш учун сарфланган маблағ гўшт ва сут етиштиришни кўпайтиришга имкон берди. Эндиликда корхонанинг болалар боғчаси бундай маҳсулотлар билан барқарор таъминланмоқда, пахта тозаловчилар ҳам бу маҳсулотларни арзон нархда сотиб олмоқдалар.

● Бағдоддаги тракторлар учун прицеплар ва ёнилғи сақлайдиган катта сиғимли идишлар ясайдиган корхона сопол идишлар ва гилам ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Янги маҳсулотларни сотиш фойда келтиришини бу ерда ҳисоблаб чиқишди. Гилам тўқийдиган дастгоҳлар корхонанинг ўзида тайёрланди. Риштон районидаги машҳур усталар кулолчиликни ривожлантиришда ёрдам беришмоқда.

● Хива гилам ишлаб чиқариш бирлашмасида яроқсиз хом ашё ва чиқитлар ҳам ишга солинди. Ана шундай чиқитлардан кичик палослар, тўшаклар, сунъий ипдан ва жун аралаштирилган сунъий ипдан буюмлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Чиқитларни қайта ишлаш учун махсус ускуналар ўрнатилди. Янги турдаги маҳсулотларга маҳаллий аҳоли ва Хивага келадиган кўп сонли меҳмонлар орасида талаб катта. Бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш натижасида корхона оладиган фойда ҳам, ходимларнинг маоши ҳам кўпайди.

● Узбекистон давлат стандарти ходимлари Қўқон пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасига маҳсулот сифатини яхшилашда ёрдам бердилар. Улар технология жараёнидаги бузилишларни аниқладилар. Бундай бузилишлар натижасида нуқсонли маҳсулотлар ишлаб чиқарилар эди. Улчов воситалари етишмаслиги сабабли корхона назоратчилари бундай бузилишларни аниқлай олмас эдилар. Узбекистон давлат стандарт мутахассисларининг тавсиясига биноан назоратчиларнинг иш жойи зарур улчов воситалари билан жиҳозланди, технология пухталаштирилди.

● Тошкентдаги «Промсвязь» тажриба заводи бўлажак янги йил байрамига тайёргарлик кўра бошлади. Бу ерда арчага осиладиган кичик чироқ шодалари ишлаб чиқариш яна бошланди. Олдин бундай маҳсулот сифатига эътирозлар кўп эди.

(ЎзА мухбири).

● Ёш мутахассиснинг пойқадами

БУ БОШҚА ГАП

— Қани, ошна, не ҳунаринг бор? — деди гўшт-сут ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори Шохдор Бобомуродов «мени ишга қабул қилинг» деб ариза битиб кирган йигитга синовчан қараб.

— Дипломим бор, — деди йигит дадил оҳангда. — Мана Бишкек политехника олийгоҳини битириб келдим.

— Диплом деганлари ҳозир кимларда йўқ дейсан. — Бобомуродов йигит узатган дипломни қўлига олди. Ўқиди. Ёқубов Акбар, мутахассислиги — сут технологи...

— Яхши, — деди Бобомуродов ўнг елкасини қимтиб. — Сени ишга олдик ҳам дейлик. Нима ҳунар кўрсатасан, шунисси қизиқ бизга. Ҳа-а... Ишлайман деганинг дуруст. Сенга кабинет берамиз. Курси, телефон, лозим топсак, ҳатто машина берамиз. Сен-чи, сен нима иш берасан?

— Мен... Сутнинг ёғлилигини аниқлайман, қатиқ, қаймоқ, тайёрлаш усулларини биламан. Яна...

— Яна, айтганларингни югуриб-елиб бажараман, маълумотлар тўплайман, дегин — деб кулди директор.

— Югурдакликка тобим йўқ, — деди Акбар. — Яна... Сут заводида пишлоқ тайёрлашни йўлга қўйиш мумкин...

— Ана, бу бошқа гап. Акбарбой, — деди Бобомуродов. — Оғзимиздан илмий-техника инқилоби деган гап тушмагани билан, мундай қарасак, вилоятимизда ҳозиргача ҳеч ким сутдан пишлоқ тайёрлашни ўйлаб кўрмапти.

Ниманидир кенгашдилар. Нимагадир келишиб олдилар. Иш бошланди. Ишлар юришиб кетди. Акбар шунчаки ўралашиб юришга, кимларгадир югурдак бўлиб қолишга хуши йўқлиги баробари ўзини юқори олиш, ғўдайиш одати ҳам йўқ экан.

Термиз шаҳридаги сутни қайта ишлаш заводига бориб: «Китобда унақа ёзилган, китобда бунақа ёзилган» деб ҳеч кимнинг бошини қотирмади. Аксинча, Абдурашид Нормаматов, Шавкат Шожалоловларни ўзига устоз деб танлади. Ва орадан кўп ўтмай устозлар бир тараф-у, шогирд бир тараф бўлиб, кези келганда, «биринчи одам вилояти» (Бойсундаги Мачай қишлоғида топилган неондертал одамнинг бош суяги назарда тутилади) деб мақталадиган Сурхондарёда 1991 йилнинг охирида «Ўзбекча» деб номланувчи пишлоқ ишлаб чиқарилди.

Мен Акбардан сурхондарёча пишлоқни тайёрлаш усулларини суриштира бошлайман. У ҳафсала билан ҳикоя қила бошлаган гапини таққа тўхтатади:

— Илгари СССР деб аталувчи мамлакатда 500 хил пишлоқ тайёрланарди, — дейди у кўрсаткич бармоғи билан таъкид ишорасини қилиб. — Сурхондарёча пишлоқни биз янгича усулда тайёрладик. Муҳандислик қонунлари бўйича биз бунни ҳозирча сир тутамиз.

Шундан сўнг режалардан гаплашдик. Акбар Свердловск шаҳри сафарига тараддуд кўраётган экан. Ундан Навоий ва Самарқанд шаҳарларига ўтади. Мақсад — дудланган пишлоқ ишлаб чиқариш. Келажакда унинг яна бир мақсади бор. Сурхондарёда голландча усулда пишлоқ тайёрлашни кўнглига туккан. Ҳатто сигир сутидан қимиз тайёрлашнинг кўйида.

Акбар Ёқубов энди йигирма беш ёшга кирди. Раҳбарнинг ҳузурига кирганда, «лаббай, тақсир», деб унинг оғзига қараб ўтирмайди. Бироқ янги гапни, янги таклифни ўртага қўяди. Раҳбар ҳам таклифпарвар йигитнинг гапларига монелик қилмайди. Таклифингни қўйиб тур, деёлмайди. Аксинча, уни рағбатлантиради. Ахир, бошидан шундай келишилганда...

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● МИШ-МИШ ВА ҲАҚИҚАТ

ЛОҚАЙДЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК

Ҳамма жойда бўлгани каби Бухорода ҳам турли давралардаги суҳбатлар, ўзаро мулоқотларнинг бош мавзуи нарх-наво масаласи бўляпти. Кўпинча турли миш-мишлардан иборат гап-сўзлар эса ҳаммани ташвишга соляпти. Гўё сарёғнинг бир килоси 90 сўм бўлармиш, уннинг нархи эса 6 сўмга кўтарилармиш... Бундай рақамларни эшитиб, кам даромадли оила бошлиқларининг эти сесканиб кетиши табиий.

Бундай овозаларга аниқлик киритиш мақсадида вилоят ҳокими ҳузуридаги нархлар бўлимининг мудири Н. Ж. ҲАҚБЕРДИЕВга мурожаат қилдик:

— Ҳаммаси ёлғон, — қисқа жавоб берди у. — Кундалик озиқ-овқат маҳсулотларининг бирортаси нархи оширилмайди. Аксинча бир қатор озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан, сут маҳсулотлари нархини қисман пасайтириш тадбирларини кўрдик...

Дарҳақиқат, бўлим ходимлари вилоят ҳокими номига тушган шикоятлардан кейин бир қатор маҳсулотларнинг нархи синчиклаб ўрганилди. 1 февралдан бошлаб 7 турдаги шундай маҳсулот нархи 30 фоизга пасайтирилди.

Ҳамма гап шундаки, сут маҳсулотлари тайёрлаш комбинатида иш жараёнида вужудга келадиган қўшимча қийматга солиқ солиш янгича тартиби тўғрисидаги тегишли қоғоз ўз вақтида етиб келмаган. Бунинг оқибатида хом ашё қийматига ҳам 30 фоизлик солиқ солинган. Мана шу солиқни бекор қилиш туфайли маҳсулот чакана нархини 30 фоизга камайтириш мумкин бўлади.

Эндиликда ҳамма жойда бу маҳсулотлар янги арзон нархлар бўйича сотиляпти. Бироқ, суиистеъмолликлар ҳам бор. 3 февраль куни Файзулла Хўжаев район озиқ-овқат савдоси бошқармасининг 46-магазинида бўлганимизда пештахтага осилган эски нархномаларни кўриб тааажжубга тушдик.

— Алмаштириш эсимдан чиқибди, — деб буни изоҳламоқчи бўлди магазин сотувчиси Г. Муродова, — Шундан ҳам маълумку, аллақачон радио орқали ҳабар қилишди...

Шу ўринда назоратчи ташкилотлар, қолаверса, савдо бошқармаси мутасаддилари нима қилишяпти, деган савол туғилади.

Ҳозирги шароитда белгиланган барча имтиёзлар аталган қишисига етиб бориши айниқса муҳим. Шунинг учун ҳам Президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси шартномавий эркин нархларга ўтиш туфайли тарифларнинг чекланган миқдори билан ҳақиқий қиймати ўртасидаги фарқни қоплаш тартиби бўйича алоҳида муваққат Низом ишлаб чиқди. Бу Низомга асосан бундай маҳсулотлар белгиланган миқдорда аҳолига сотилади ҳамда бундай маҳсулот билан талабалар ва ўқитувчилар ошхоналари, боқувчисиз қолган меҳнат фахрийлари таъминланадилар. Бундай нормадан зиёди маҳсулот истеъмол қиладиган табақалар озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан нон ва қандолат тайёрлайдиган турли кооператив ва майда корхоналар, якка ишлаб чиқарувчилар эндиликда хом ашёни имтиёзли нархларда сотиб олиш имкониятига эга бўлмайдилар.

Ажабланарли томони шундаки, мазкур Низом тўғрисидаги ҳужжат вилоят савдо бошқармасига етиб келгану, бироқ на вилоят ижроия қўмитаси ва на унинг нархлар бўлимига етиб келган. Мана шундай қилиб ҳужжатнинг қолиб кетиши эса ишга катта зарар етказмоқда. Ортиқча «Миш-миш»лар пайдо бўлишига сабабчи бўлаяпти.

Бозор иқтисодиётига ўтиш осон кечмайди. Бундай шароитда меҳнат кишисининг манфаатларини муҳофаза этиш биринчи галдаги вазифадир. Бу соҳада қандайдир лоқайдликка йўл қўйган ходим қаттиқ жазоланиши лозим.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ЎЗ КОРХОНАМИЗГА БИР НАЗАР»

Рўзномамизнинг шу йил 14 январь сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола чоп этилганди. Унда Жарқўрғон районида нефть қазиб олинаётган бўлсада, унинг бир қисми четга чиқиб кетаётгани айтилиб, агар шу хом ашё вилоятда қайта ишланса, ёнилғига бўлган эҳтиёжнинг деярли ярмини қондириш мумкинлиги таъкидланганди.

Яқинда кўтарилган муаммо хусусида ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЪМИНОТИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИдан расмий жавоб олинди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

— Мақолада келтирилган фактлар ва кўтарилган муаммолар республика нефть маҳсулотлари таъминоти Давлат қўмитасида муҳокама қилинди. Бунда шу нарса маълум бўлдики, мутахассисларнинг аниқлашича, Жарқўрғон районида қазиб олинадиган нефть асосан йўл қурилишида фойдаланиладиган битумли нефтдан иборат.

«Ўзбекнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси маълумотларига кўра, районда 1991 йилда 137 минг тонна шундай нефть қазиб олинган. Бу йил 146 минг тонна, келажакда яъни 2 мингинчи йилга келиб, бу кўрсаткич 150 минг тоннага етади.

Жарқўрғон нефти таркибида смола миқдори 50-60 фоизни, олтингугурт 2,2-5,6 фоизни, парафин 4-6,7 фоизни, асфальтенлар 8 фоизни, кокс эса 11,5 фоизни ташкил этади.

Бу нефтдан бензин олиш масаласи «Фергананефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди. Уларнинг фикрича, Жарқўрғон нефти Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида қайта ишлаш учун яроқсиздир. У оғир, сифат жиҳатдан битум ишлаб чиқариш учун хом ашё ҳисобланган гудронга, асфальтга мос келади.

АМЕРИКАЛИК ОЛИМ САБОҚ БЕРАДИ

Самарқанд билан Американинг Олимпия шаҳри ўртасидаги алоқалар кенгаймоқда. Улар ўртасида тузилган ўзаро аҳдлашувга мувофиқ яқинда олимпиялик олим Нейл Сков ва унинг рафиқаси Диана Сков Самарқандга келиб ишлайдиган бўлишди. Нейл АҚШ ва Европада менежмен ва маркитинг бўйича таниқли мутахассис сифатида ном чиқарган. У кадрлар тайёрлашда Польшага ҳам яқиндан кўмаклашган.

Нейл Сков икки ярим ой давомида Самарқанд савдо олий билимгоҳи талабаларига «Марказлашган иқтисодиётни бозор муносабатлари йўлига ўтказиш» мавзуида маъруза қилади.

(ЎзА мухбири).

● Ленинград районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги ҳудудидаги Айритом қишлоғида Қўқон ун комбинатининг кичик корхонаси ишга туширилди. Ҳозир тегирмонда кунига 10—13 тонна буғдой унга айлантирилмоқда. Бундан хўжалик аъзолари беҳад шод.

СУРАТДА: тегирмон ишчиси Эсонбой Мелибоев.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

● ШУ СОНГА ХАБАР

ҲАСАД ҚИЛМАНГ

Ўзбекистон Республикамиз мустақилликка эришди. Унинг сарҳил меваси эндигина нишона беряпти. Ҳадемай юртимиз жаҳоннинг энг бой ва гўзал мамлакатларидан бирига айланишига шубҳа йўқ. Бунинг учун ҳар биримиз виждоний меҳнат қиляпмиз. Ҳаёт ҳам шуни тақозо этяпти. Аммо айрим марказий рўзнома мухбирлари бизларнинг меҳмондўстлигимиз, меҳнатсеварлигимиз ва шу тариқа қўлга киритилаётган ютуқларимизни кўришни истамаётир. Бу борада «Комсомольская правда» рўзномаси мухбирларининг вайсақилиги ҳаддан ташқари ортиб кетаётир.

Рўзномада босилаётган ҳасад тўла мақолаларни ўқиб, қаттиқ ғазабландим. Бундай мухбирларни республикамизга йўлламаслик ва уларни муқаддас заминимиздан чиқариб юборишни талаб этаман. Бу биргина менинг эмас, балки меҳнатсевар жамоамизнинг ҳам фикридир.

Бундан буён марказий рўзнома саҳифаларида юртимизга ва унинг меҳнат аҳлига ҳасад тоши отилмаслигини истаймиз.

Абдужаббор ҲАЛИЛОВ,
Тошкент вилояти, «Коопзаготпром» Қибрай комбинати директори.

• Бизнинг суҳбат •

УЙҒОНИШ МАШАҚҚАТИ

Шарқий Европа мамлакатларида, шунингдек, собиқ Совет Иттифоқида юз берган ўзгаришлар Монголияга ҳам таъсир қилмасдан қолмади. Бугунги кунда Монголия ҳам туб демократик ўзгаришлар сари юз тутди. Яқинда Монголиянинг Тошкентдаги Бош консулхонаси Бош консули Буянгийн Буд журналистлар билан суҳбатда мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар ҳақида сўзлаб берди.

— Ўзбекистонда бўлаётгани каби Монголияда, ҳам жиддий иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар содир бўлмоқда, — деб айтди бош консул жаноблари. — Январь ойида мамлакатнинг янги Конституцияси қабул қилинди. 12 февралдан бошлаб кучга кирадиган Монголиянинг асосий қонуни 1924, 1940 ва 1960 йилларда қабул қилинган конституциялардан тубдан фарқ қилади.

Жамиятимизнинг тўртинчи Конституцияси жиддий тайёрланиб, сўнгра халқ ҳукмига ҳавола этилди. Халқнинг таклиф ва мулоҳазалари тўпланиб, умумлаштирилди. Шундан сўнг Буюк Хурал томонидан 76 кун давомида муҳокама этилиб қабул қилинди.

Хўш, Монголиянинг 70 моддадан иборат 6 боблик янги Конституцияси нималарга эътибор берган?

Янги Конституция аввало монгол халқининг ҳақ-ҳуқуқлари ва бурчларини қонун йўли билан кафолатлайди. Мамлакатда ҳокимият ва миллий бойлик халқ тасарруфидадир, дейилади монгол жамиятининг янги асосий қонунида.

Шу пайтгача Монголия Халқ Республикаси деб аталган мамлакат 12 февралдан бошлаб Монголия дейиладиган бўлади. Давлатнинг олий органи Буюк Хурал (Буюк Халқ Хурали эмас) бўлиб, уни тўрт йилга сайланган 75 депутат бошқаради. Давлат бошлиғи — Президент тўрт йил муддатга сайланади ва Буюк Хурал олдида жавоб беради.

Бугунги кунда Монголияда юз бераётган ўзгаришларни ҳар қадамда кўриш мумкин. Ҳокимиятни кўп партияли ҳукумат бошқармоқда. Ўзбекистонда бўлгани сингари Монголияда ҳам бозор иқтисодига ўтиш жуда қийин кечмоқда. Чунки Монголия ҳали бозор муносабатлари сиёсатига тайёр эмас эди. Шунга қарамай мулкни хусусийлаштириш жадал бормоқда. Ҳозиргача давлатга қарашли мол-мулкнинг 50 фоизи хусусийлаштирилди. Бу жараён қишлоқ хўжалиги соҳасида яхши кетяпти. Шу кунгача мавжуд 25 миллион чорва туёғидан 13 миллиони монгол аратларига бўлиб берилди.

Лекин, барибир, аҳвол оғир, — деди бош консул Буянгийн Буд, — меҳнаткашларга тўланаётган иш ҳақи кам, мамлакатда ишсизлар анчагина. Бугунги кунда Монголия ҳукумати олдида 45 минг ишчи ўрни яратиш муаммоси турибди. Мамлакатда хусусий уйжойлар қуришга катта эътибор берилмоқда. Чунки, Монголия аҳолисининг кўпчилиги ночор бошпаналарда кун кечирмоқда. Жамиятда янгиланиш оғир кечаётир. Бу табиий. Чунки, уйғониш машаққатли бўлади. Монгол халқи уйғониб янги тузум, янги жамият қурмоқда. Муаммолар кўп. Хорижий мамлакатлар, хусусан Ўзбекистон ва бошқа қўшни давлатлар билан иқтисодий ҳамкорликда бу муаммолар албатта ҳал қилинади. Янги кунлар албатта келади, — деди бош консул Буянгийн Буд суҳбат якунида.

Ф. Шоҳ ИСМОИЛ.

9 февраль—Алишер Навоий таваллуди куни

Турк назмида чу мен тортиб алам, Айладим ул мамлакатни аркадам

1.

«Турк тилининг ўлган жасадиға Масиҳ анфоси била руҳ киюрган» (Ҳусайн Бойқаро), турк-ўзбек назмининг юраги, беназир аллома ва мутафаккир Алишер Навоийнинг улкан мероси ва баркамол шахсияти ўзбек миллий маданияти равнақи омилларидан биридир.

АКС-САДО БЕРДИ ЖАҲОН

Биз атрофида муҳтасар фикр юритмоқчи бўлган масала — бадиий навоийнома ана шу йирик мавзунинг бир шохобчасидир. Бу шохобча Навоийнинг бадиий сиймосини яратишга бағишланган санъат туркумларининг жуда кўпини — сўз санъати (шеърият, наср, драматургия), театр, кино, телеэкран, мусиқа, тасвирий санъат ва бошқаларда ижод этилган асарларни ўз ичига қамраб олади.

Ўзбек адабиётида Навоийнинг бадиий образини яратишга интилиш унинг ҳаётлигидаёқ бошланган. Биргина мисол:

Эрур сўз мулкининг кишварситони,
Қаю кишварситон, хисравнишони.
Дема ҳисравнишонким, қаҳрамони,
Эрур гар чин десанг, соҳибқирони.

Олий инсонийлик ғояларини ҳайратомуз бадиий маҳорат билан улуғлаган Навоийнинг шахсиятига берилган бу юксак поэтик баҳо «Рисолан Ҳусайн Бойқаро»да битилган.

Бора-бора Навоий адабиётнинг ўлмас мавзуларидан бири бўлиб қолди. Тарихчи олим Хондамир «Макоримул ахлоқ» китобида Навоий ҳақида ёзилган кўплаб асарлар номини келтиради. Халқ оғзаки ижодида Навоий образини яратишга бағишланган ўнлаб ҳикоятлар, афсоналар, қиссалар яратилди ва олимларимиз томонидан тўпланиб нашр этилди. Шуниси муҳим ва қувончлики, Навоий ҳақида фақат ўзбек ёзувчиларигина ёзиб қолмай, Шарқнинг машҳур шоирлари, турли миллатга мансуб кўплаб истеъдодли адиблар ҳам навоийнома иншошифига ўз улушларини қўшдилар.

Табиийки ўзбек шоирларининг ҳаммаси Навоийни ўзларининг буюк устози, унинг бебаҳо ижодини эса, маҳорат мактаби деб биладилар. Улар орасида Навоийга бағишлаб шеър битмаган, кўп қиррали характерининг баъзи чизгиларини тасвирлаб, бадиий сиймосин яратишга ҳаракат қилмаганлари кам топилади. Кузатишларимиз ўзбек шеъриятида Навоий образини яратишда, асосан, икки — билвосита ва бевосита — тамойил борлигини тасдиқлади.

Билвосита тамойилнинг моҳияти шундан иборатки, шеърлар махсус Навоийга эмас, бошқа мавзулар талқинига бағишланган бўлади. Лекин уларда аниқ ғоявий мақсад билан Навоий, унинг асарлари, қаҳрамонлари номлари тилга олинади, баъзи сатрлари келтирилади ёки шоир ҳаёти билан боғлиқ бирор тарихий-биографик фактга мурожаат қилинади. Шоирлар асарнинг фикр оқимида Навоийни шу усулда эслаш орқали ўқувчини у ҳақда ўйлашга, фикрлашга ундайди, ҳаёлда Навоий сиймосининг тикланишига эришади. «Йигит Мажнун эмас қиз эмас Лайло» (Ойбек), «Сув ва нур» (Ғ. Ғулом), «Тошкентнома» (М. Шайхзода), «Сен — она», «Қуш тили» (Миртемир) «Қуёшли қалам» (Зулфия), «Ўзбегим» (Э. Воҳидов), «Ўзбекистон», «Тақдирдош», «Онажоним шеърият» (А. Орипов) ва бошқа юзлаб асарларда Навоий сиймоси шу тамойил асосида жонлантирилган.

Масалан, Э. Воҳидовнинг «Ўзбегим» қасида-фахриясида «тоза имон»ли ўзбек халқининг тарихдаги шон-шуҳрати, миллий қадриятлари мадҳ этилади. Шоир фикрларининг поэтик исботи учун ўз она халқи орасидан етишиб чиққан Беруний, Хоразмий, Форобий, Улуғбек каби машҳур алломалар номини фахрланиш туйғуси билан тилга олади. Сўзсиз, шоир ўз асарида табаррук Навоий номига мурожаат қилмай, унга поэтик образли баҳо бермай ўтолмас эди:

Мир Алишер наърасига
Акс-садо берди жаҳон,
Шеърият мулкида бўлди
Шоҳу султон ўзбегим.

Муҳтарам ўқувчиларимиз А. Орипновнинг «Ўзбекистон» шеъридаги «шеър аҳли жаҳонгири» — Алишер Навоий хусусида айтилган гўзалу теран сатрларни яхши билишади. Шоир ўзининг «Шеърият» асарида шеърхон хотирасида Навоий сиймосини бошқача усулда жонлантиришга эришган. Унда буюк шоир исмини эмас, машҳур асар номини ва асарнинг ўз шоирлик камолига кўрсатган таъсирини ҳиссий қайд этиш орқали эришади:

Ҳамдам бўлиб сен билан
«Хамса»дан сабоқ олдим,
Йироқ-йироқ юлдузлар
Сеҳрини дилга солдим.

Бевосита тамойил — Навоий бадиий сиймосини яратишга махсус бағишланган асарлардир. Ботунинг «Навоий» (1921) шеъри ва «Навоийга» (1926) қитъаси Совет даври ўзбек шеъриятида бевосита Навоий мавзуида яратилган илк асарлардандир. Боту шеъринининг аҳамияти шундаки, унинг мазмунига, ўзбек-турк тили дунёдаги энг бой тиллардан бири эканлигини амалий исботлай олган буюк ижодкор шахс Навоийдир, деган фикр сингдирилган. Кейинчалик шоирларимиз томонидан Навоий мавзуида жуда кўплаб асарлар ижод этилди.

Шеърий навоийномамизнинг жанр жиҳатидан ранго-ранглигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Шоирларимиз Навоий сиймосини яратишда шеъриятнинг энг кичик жанри — фарддан то энг йирик жанри — шеърий роман талаб ва имкониятларидан ижодий фойдаландилар.

Шеърий навоийноманинг сара асарларидан бири М. Шайхзоданинг «Ўртоқ Навоий» (1936) балладасидир. Шайхзода бу асарда Навоийнинг буюк инсонпарвар қалбини, ижод руҳиятини поэтик таҳлил этиш билан қизиқади. Шунинг учун ҳам шоир ижодининг гуллаган палласини — «Хамса»нинг биринчи достони («Ҳайрат ул-аброр»)ни тугатиб, иккинчи — энг сўлим боби, одамзод ишқининг гўзал китоби — «Фарҳод ва Ширин»нинг «қофия дурлари»ни тиза бошлаган пайтини тасвирлаган. Шайхзода Навоийнинг характерини, шоирлик истеъдодини, ижод пайтидаги руҳий ҳолатларини, қалб кечинмаларини ҳам реалистик оҳангда, ҳам романтик бўёқларда акс эттирган. Ўқувчи Навоийни ўз ижодхонасида илҳоми жўшиб-тошиб турган, ўйга ғарқ чўмган ҳолатда кўради.

Шеъриятимизда Навоийнинг бадиий образини яратишга бағишланган бир неча поэма ҳам ёзилди. Булар орасида Ойбек қаламига мансуб икки поэма — «Навоий» (1937), «Гули ва Навоий» (1968) бадиий етуклиги билан алоҳида ажралиб туради. Биринчи поэмада улуғ шоирнинг кексайиб қолган, «Лисонут тайр» достонини ёзишга киришган (1498) пайти тасвирланган. Гарчи Ойбек асарда Навоийнинг бутун ҳаёт йўлини тасвирламаган бўлсада, у бош қаҳрамоннинг тафаккур оламини шу қадар маҳорат билан очганки, биз асарни ўқирканмиз, бутун бир давр қарама-қаршиликларини ўз бошидан кечирган буюк тарихий сиймони кўз олдимизга келтира оламиз.

Ойбек «Гули ва Навоий» поэмаси учун шу номдаги халқ афсонасини асос қилиб олади. Шоир асарда афсонани шу қадар ижодий ўзлаштириб, шу қадар завқ-шавқ, дард-алам билан тасвирлайдики, ўқувчи унинг афсона эканлигига ишонгиси келмайди, уни худди реал бўлиб ўтган воқеадай қабул этади. Поэмада «қомати ниҳол»дай тик, «қоп-қора мийиғи», «белидаги шоҳи қийиғи» ўзига хўп ярашган, «кўзларида меҳр жилва»ланувчи, саси ғоят «жозибали, ёқимли» ёш йигит — вазир, шоир — Навоийнинг ишқ ва юрт ғамида ёнишлари, ўртанишлари маъйин ва мунгли лиризм, теран фикр пайвасталигида ифодаланган.

60-йилларда ёзилган В. Саъдулланинг «Хуросон юлдузи», Д. Файзийнинг «Севги қўшиғи» драматик поэмалари ва Ғайратийнинг «Хумор» номли лиро-эпик поэмасида ҳам Навоийнинг йигитлик давридаги бадиий образини яратишга ҳаракат қилинади.

Ўзбек шеърий навоийномаси тараққиётига талантли шоир Б. Бойқобилов қўшган йирик ҳисса алоҳида таҳсинга лойиқдир.

Навоий мавзуида ёзилган совет шоирлари асарларининг кўпчилигида улуғ адиб яшаган ва ижод этган даврнинг фақат қора рангларда тасвирланади, «коммунизм» асри муболағали мадҳ этилади. Навоийнинг эркинлик, озодлик, мукаммал одамийлик хусусидаги эзгу орзулари «социалистик жамият»да тўла амалга ошди, дея қайта-қайта таъкидланади, сохта поэтик ҳукмлар чиқарилади. Иккинчидан, уларда йирик ва мураккаб тарихий шахс — Навоийнинг мактабдош дўсти Ҳусайн Бойқаро золим ва бадмаст, ўта салбий образ тарзида гавдалантирилган. Унинг ижобий томонларидан, фазилатларидан, Навоийга бўлган самимияти, берган кўмакларидан кўз юмиб ўтилади. Замона зайли билан вужудга келган бундай сохта тенденциялар Навоий мавзуида ёзилажак янги асарларда такрорланмаслиги лозим, албатта.

Фақат ўзбек адабиётида эмас, балки бошқа халқлар адабиётидаги Навоий мавзуида яратилган асарларни ҳам тўплаш, саралаш ва алоҳида китоблар шаклида нашр этиш, уларни чуқур илмий текшириш адабиётшунослигимизнинг энг долзарб вазифаларидандир.

Мурод ИБРОҲИМ ўғли.
Беруний номидаги Республика давлат мукофоти лауреати.

2.

АНЪАНАВИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон адабиётшуносларининг, олимларнинг изланишлари ва хизмати туфайли миллий фанимизда аллақачон навоийшуносликка асос солинган ва фаоллик билан давом эттирилмоқда. Бу хайрли ишда айниқса Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтининг хизмати катта бўляпти.

Институт ташаббуси билан анъанавий XXXVI илмий анжуманга тайёргарлик кўрилди. Таниқли ва ёш адабиётшунос олимлар жалб қилинган бу галги илмий йиғинда ҳам иложи борича янги мавзулар қаламга олишга интилинди. «Наводирун-ниҳоя» девонининг Теҳрон қўлёзмасини қиёсий ўрганиш тажрибасидан», «Навоий ва илми бадеъ», «Навоий ва Ризойи Пайвандий», «Сирожил-муслимин» ҳақида», «Ғаройибус-сиғар» девонининг ҳаракатли қўлёзма нусхаси хусусида мулоҳазалар» каби темалар ана шундай изланишлардандир.

А. ЮСУПОВ.



Жумҳуриятимиз саҳна санъати ўзининг навоийномасига эга. Бу эзгу ишга деярли барча профессионал театрлар ўзига хос ҳисса қўшишмоқда.

СУРАТЛАРДА: Сурхондарё вилоят театрининг актёри Х. Орипов ва Тошкентдаги Аброр Ҳидоятов номли театрнинг актёри А. Рафиқовни Алишер Навоий ролида кўриб турибсиз.

К. РОМЕЕВ олган суратлар.

ИНТИЛУРЛАР БУТУН ОЛАМДИН

Буюк устоз Алишер Навоий шеъриятидан озиқланиб камолга етган юзлаб ижодкорлардан бири уйғур шоири ва маърифатпарвари Абдураҳим Низорий (1770—1848й.)дир.

У Навоий ижодини кенг китобхонлар оммаси ичида, шу жумладан мактабларда ўқитишга ташаббускор бўлиб, 1812 йили улуғ ўзбек шоири ғазалларидан махсус дарслик тузган. 1824—1830 йиллар орасида эса Навоийнинг 18 та асарини бехато, бенуқсон бекаму кўст ва чиройли кўчириб, китобат қилади.

Абдураҳим Низорий 1830—1839 йиллари Қашқардаги машҳур «Хонлик мадрасасида мударрислик қиларкан, Навоийнинг 40 га яқин ғазалига мухаммас боғлайди.

Абдураҳим НИЗОРИЙ, уйғур шоири.

МУХАММАС

Чу ул ёр гашти чаман бўлдило,
Ки ишқ аҳлиға анжуман бўлдило,
Унинг кўйи бизга ватан бўлдило,
Нигоримға бедод фан бўлдило,
Дилоро дедим, дилшикан бўлдило.

Кўнгул тинмади ишқ озоридин,
Маломат етиб бевафо ёридин,
Солиб ғулғула қадди рафторидин,
Чиқорди чу хат ҳусни гулзоридин,
Манга қисм барча тикан бўлдило.

Тўлуб ишқ пайконидин кўкрагим,
Ки ҳижронда ҳаддин ошиб эмгаким,
Узулди нетай жузви лоянфаким,
Юзи лоласи ҳажридин кўнглаким,
Сиришк ичра қонлиг кафан бўлдило!

Манга ҳар шом эрур мотам туни,
Кўзум бўлди ғурбатда шабнам туни,
Туним бўлмади жинси одам туни,
Ешим анжумни сочибон ғам туни,
Юзи шамъи ҳар анжуман бўлдило.

Манга тутти даврон каби жом заҳр,
Вафони унутти доғи қилди қаҳр,
Кўзум йўлидан ашкни қилди наҳр,
Ҳадангеки, ҳар кимга отти сипеҳр,
Нишони бизнинг жону тан бўлдило.

Манга айшини қилди даврон ҳаром,
Чу ким эски вайрона бўлди мақом,
Ки ғамдин тўлдириб манга тутти жом,
Фалакнинг янги ғамларига мақом
Бизнинг эски байтул-ҳазан бўлдило.

Вафо шаҳваридин чарх айрилмоғунг,
Даги ранжу меҳнат аро солмоғунг,
Низорийни ҳижронда оздурмоғунг,
Вафо ваъда қилди, дедим қилмоғунг,
Навоий, ҳамул мен деган бўлдило.

Рўзи ҚОДИРИЙ нашрга тайёрлаган.

3.

ҲАЗРАТ ДАҲОСИГА ТАЪЗИМ

ЎЗБЕК ШЕЪРИЙ «НАВОИЙНОМА»СИНИНГ МУАЛЛИФИ БАРОТ БОЙҚОБИЛОВ ҲУЗУРИДА

— Барот ака, табиийки, Навоий мавзуига бирданига роман билан мурожаат қилмагансиз. Дастлаб қатор шеърлар ёзгансиз. Ана шу қутлуғ темадаги биринчи шеърингиз қачон ёзилган, қаерда эълон қилинган? Мумкин бўлса, шеърдан парча ҳам келтирсангиз.

— Мен учун азиз бўлган бу илк кичик асар ҳамон ёдимда, унутиб бўладими. Биласизми, «Шеърият бўстони» деб номланган мазкур шеър 1968 йилда сизнинг севимли рўзномангизда эълон қилинган. Асарга Тошкентдаги Алишер Навоий ҳайкали атрофида чиройли хиёбон ташкил этилганлиги, улуғ сўз санъати усталарининг бюстлари ўрнатилганлиги туртки бўлган эди, илҳом берганди. Ҳазратнинг 525 йиллик тўйи тантаналарида илк бора ўқилган шеър шундай бошланади:

Навоий қасрининг қошида кўркам
Шеърият бўстони қилинди бунёд.
Шоирни бошига кўтарган ўлкам
Кўнглимиз боғини айлади обод.

— Шеърий роман ёзишингизга нима сабаб бўлган, қандай воқеа туртки берган?

— Тўғрисини айтсам, бунга энг аввало юртдошлик туйғуси ундаган. Тарих саҳифаларидан маълумки, 1464—69 йилларда Алишер Навоий Самарқанддаги Хўжа Фазлуллоҳ Абуллайсий мадрасасида таҳсил кўрган ва Султон Аҳмад Мирзо саройида Чиғатой амири лавозимида ишлаган. Мақсадим буюк шоирнинг Самарқанддаги ҳаёти ҳақидаги асарда унинг қисматини ҳозирги ўзбек тупроғи билан боғлаш эди. Мақсад миллий туйғудан келиб чиқиб, Мир Алишернинг камол топган бешиги Самарқанд эканлигини, у Самарқанд адабий муҳитида улғайиб, адабий жараёнга раҳнамолиқ қилганлигини, унинг тақдири ўзбек тақдири, тупроғи билан узвий боғлиқлигини кўрсатиш эди.

— Негадир, роман маснавий жанрда ёзилган?

— Биласиз, маснавий — ўзбек шеъриятининг классик шакли. Ҳазрат Навоийнинг машҳур «Хамса»си ҳам шу жанрда битилган. Ҳам маззмунан, ҳам шаклан Навоийга яқин бўлиши учун маснавий жанрини танлаганман. Ҳазрат барча достонларини маснавий деб атайди. Қоларверса устозларнинг устози Мавлоно Лутфий ҳам «Гул ва Наврўз»ини маснавийда ёзган. Шу мумтозлар анъанасини имконият даражасида давом эттирганимдан бахтиёрман.

1977—79 йилларда ёзилган, «Шукуҳли карвон» деб аталган илк романим 1981 йилда алоҳида китоб ҳолида чоп этилди.

— Романни давом эттириб, унинг иккинчисини ҳам ёзаман деб ўйлаганмидингиз, ният қилганмидингиз?

— Йўқ. «Нотинч Хуросон»ни ёзишимга бошқа бир нарса сабаб бўлган...

Бу воқеа 1981 йилда содир бўлган эди:

Бир куни дафъатан Шароф Рашидов менга қўнғироқ қилиб: — Алишер Навоий ҳақидаги асарингиз «Шарқ юлдузи»да босилган эди. Китоб бўлиб чиқдими-йўқми? — деб сўраб қолдилар. Мен, нашр қилинди, дедим. У киши: «Нега менга бермадингиз» дедилар. Мен, рассомнинг ҳоҳиши билан китоб безаги бир оз ҳашамлироқ бўлибди. Сизга бергани тортиндим, деб жавоб бердим. Шароф Рашидов сўзида давом этиб: «Қани олиб келинг-чи, кўрайлик», дедилар. Мен эса ҳижолат чекиб китоб ҳозир ўзимда йўқ, уйда эди, дедим. «Бориб олиб келинг», дедилар. Бир соат ўтар-ўтмас уйдан китобни олиб, дастхат ёзиб, у кишининг ҳузурига кирдим. Шароф Рашидов ўринларидан туриб мени ҳушнудлик билан қарши олиб сўрашдилар. Мен эса тортинчоқлик билан «Шукуҳли карвон»ни у кишига ҳадя этдим. Китоб учун раҳмат айтиб, бир-бир варақлаб, дедилар «Асар сизники, безаги рассомники, ҳеч қиси йўқ, ажойиб китоб бўлибди, табриклайман. Вақт топиб, албатта ўқиб чиқаман. Алишер Навоий ҳақида ҳар қанча асар ёзилса кам. Улуғ ўзбек миллатининг падари бузруквори, Кам бўлманг, ука, раҳмат сизга. Навоий руҳини шод этибсиз.

Мен бурчимни адо этиб у кишининг кабинетидан хурсанд бўлиб чиқдим.

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас яна Шароф Рашидов мени ҳузурига чақириб қолдилар. Бирор топшириқ бўлса керак, деб, олтинчи қаватга кўтарилдим. Котиба аёлнинг ижозати билан у кишининг ҳузурига кирдим. Шароф Рашидов столи устида «Шукуҳли карвон» китобим турарди. У киши асарни қўлга олиб дедилар:

— Мулла Барот, ажойиб асар ёзибсиз. Отангизга раҳмат, улуғ иш қилибсиз. Асарингиз таҳсинга ва тақдирлашга арзийди. Тиланг тилагингизни. Мукофот берайми ё унвон?

Мен кутилмаган бу олий лутф ва карамдан ҳайратланиб, бироз тортиниб, камтарлик юзасидан у кишига ўз миннатдорчилигимни изҳор этдим.

Шунда у киши дедилар:

— Бир адиб унвон, бири мукофот, бири уй, бири машина, бири амал сўрайди. Сиз мендан нима сўрайсиз, тортинмай айтинг, ука.

Рости гап, бу мурувватдан мен бироз ўйланиб қолдим. Чунки, шу пайтгача ҳеч бир шахсдан ўзим учун бирор нарса сўрамаган эдим. Биров учун сўраш осон, ўзинг учун бирор нарса сўраш одобдан эмас. Шу русумга биноан дедим:

— Асаримни ўқиб чиққанлигингизнинг ўзи мен учун қувончли. Сизга катта раҳмат, вақт топиб ўқиб чиқибсиз.

У киши ўзига хос донишмандлик билан дедилар:

— Ҳазрат Навоийни улуғлаган адибни халқ эъзозлайди. Сиз шу ҳурматга сазовор бўлинг. Ойбек «Навоий» романини ёзиб, у кишига ҳайкал қўйди. Сиз ҳам Ойбек изидан қолманг. **Навоийнинг болалиги, ўсмирлиги ва ёшлиги ҳақида ҳали бирор асар йўқ. Сиз шу мавзуни давом эттиринг ва яна бир асар ёзинг, Қўлингиздан келади.** Нима ёрдам бўлса, шароит бўлса, мен сизга яратиб бераман.

Мен яна бир карра у кишига ўз миннатдорчилигимни билдирдим.

Шароф Рашидов чинакам доно раҳбар ва меҳрибон устоз эдилар. У киши мендан яна сўрадилар.

— Мендан ҳеч нарсани илтимос қилмайсизми?

Шунда мен кўпдан бери кўнглимда тугиб юрган гапимни айтдим.

— Самарқандда Навоийнинг уй-музейини қуриб бер сангиз, сиздан улуғ шоиримиз руҳи шод бўлса...

Шароф Рашидовнинг чеҳрасига майин табассум югурди. У киши бу сўзимдан ғоятда руҳланиб, шу ондаёқ телефон дастасини кўтариб, Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармасининг бошлиғи Собир Одиловга қўнғироқ қилиб, дедилар:

— Собиржон, Самарқандниг Регистон майдони ёнида Алишер Навоийнинг уй-музейини қурамиз. Оқ мармардан икки қаватли бино лойиҳасини тайёрланг. Уй-музейини «Оқ уй» деб атаймиз. Навоий нурга интилиб яшаган. «Оқ уй» — нур ва ёруғлик, эзгулик ва шеърият рамзи бўлсин. Ажойиб кошонага қадам ранжида этган кишилар ҳазрат Навоий даҳосига таъзим қилсин ва шоир руҳини шод этсин.

Мен ғоятда хурсанд бўлиб, раҳматлар айтиб, у кишининг ҳузуридан чиқдим.

1989 йилда Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигини нишонлаш тўғрисида Ўзбекистон ҳукуматининг қарори чиқарилди. Шу қарорда менинг илтимосим билан бир банд киритилди. Бу Шароф Рашидовга қилган илтимосим эди. Чунки, у киши вафот этгач, Самарқандда қурилажак шоир уй-музейи унутилиб кетилган эди. Шу қарорда Самарқандда шоир уй-музейини қуриш ва унинг ҳайкалини ўрнатиш масаласи қўйилган эди. Шоир тўйи арафасида ҳайкал ўрнатилдию, аммо, минг афсуски, Самарқанд вилояти раҳбарларининг масъулиятсизлиги туфайли уй-музей қурилмади. Шоир уй-музейи, мана ўн йилдирки, ҳали рўёбга чиққанича йўқ. Эҳтимол, бирор қутлуғ кун келиб бу орзу амалга ошар, деган умиддаман.

— Эшитишга қараганда, «Нотинч Хуросон» ўз бошидан «ғаройиб саргузаштлар»ни кечирган, дейишади. Тўғрими?

— Шундай. Негаки, бу иккинчи роман республикамиз учун оғир бўлган, тўғрироғи, пойинтар-сойинтар раҳбарлик «давр сураётган» пайтда ёзилиб бўлинди. Адолатсизликлардан мен ҳам бебаҳра қолмагандим. Бир қанча вақт ҳеч қаерда ишлай олмадим, фақат ижод билан шуғулландим. «Нотинч Хуросон» 1985 йилда 3—4 босма табақ қисқартирилиб, обдон қайчиланиб, темурий шоҳларга оид боблари олиб ташланиб босиб чиқарилди.

— Навоийноманинг учинчи, тўртинчи қисмлари — «Сокин Хуросон», «Қонли Хуросон» романларидан, бошқа вақтли матбуот нашрлари каби, биз ҳам ўз вақтида парчалар эълон қилганмиз. Лекин, асарларни ҳозиргача китоб ҳолида кўрганимиз йўқ. Романлар қачон чоп этилади?

— «Сокин Хуросон» Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида, «Қонли Хуросон» «Камалак»да босиб чиқарилиши режалаштирилган эди. Афсуски, бу ишларнинг биронтаси ҳатто Алишер Навоий йилида ҳам бажарилмади.

— Сабаб?

— Қоғоз муаммоси. Қоғоз ва босмахона харажатларининг қимматлашганлиги туфайли йирик шеърий асарлар давлатга, нашриётларга моддий зарар келтирмиш гўё. Афсуски, маънавий қиммат ҳақида ҳеч ким ўйлаб кўрмади. Бундай муносабат ҳамон давом этяпти. Ҳолбуки, «Сокин Хуросон» аллақачон Москвада рус тилида нашр этилди. Иккита янги шеърий романнинг биронтаси Навоийнинг 550 йиллик тўйига атаб ҳам чоп қилинмаганлиги мен учун бир умр армон бўлиб қолади.

— Барибир ўқувчилар бу асарларнинг китоб ҳолида чиқишини кутишяпти-ку?!

— Ижодий меҳнатнинг қадрига етадиганлар ҳамма бор экан, шукур, Ўзбекистон Республикаси Маданият жамғармаси «Сокин Хуросон» романини босмага тайёрлаяпти. «Камалак» бирлашмаси эса, сурилиб келаётган ишни тезлаштиришга, «Қонли Хуросон»ни чўзмай босиб чиқаришга қарор қилди.

— Сиз Навоий номли хўжаликда туғилиб, ўсгансиз. Навоий номли дорилфунунда таҳсил кўргансиз. Айни кунларда эса, Навоий номли кўчада турасиз. Бунга қандай шарҳлайсиз?

— Бу, балки, Аллоҳи Каолонинг менга раво кўрганидир.

— Айтмоқчи, романлар туркумини яна давом эттириш ниятингиз йўқми?

— Тўғриси, энди кучим етмаса керак. Лекин Навоий мавзуида шеърлар ёзаман.

Хулоса шуки, ҳурматли шоиримиз, қимматли ишга кучи етиб, уни муваффақиятли уддалади: миллий адабиётимизда «Чор китоб» пайдо бўлди. Энди ҳамма гап кутилаётган иккинчи кучда қолди. Шундай куч соҳиби — матбаачиларимиз, нашриётчиларимиз йирик ишнинг қадрига етиб, иложи бўлса романларни жамлаб, «Навоийнома» («Чор китоб») номи остида босиб чиқарсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Шундай қилинса, улар биринчи навбатда Ҳазрат Мир Алишер Навоий руҳини шод қилган бўлур эдилар.

Юсуф БЕРДИЕВ.

ХУШХАБАРЛАР

УЙҒУР МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

● ҚУРИҚ воҳанинг Сирдарё шаҳрида уйғур байналмилал маданият маркази очилди. Унинг биринчи таъсис йиғилиши ўтказилиб фаол, обрўли жамоатчи Аҳмад Ҳожи Маметов маданият маркази Кенгаши раиси этиб сайланди. Сирдарёда қозоқ, татар, корейс маданият марказлари ҳам ташкил этилган эди.

А. УМАРОВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХЎЖАОБОД БОЗОРИ

Хўжаобод Андижон вилоятининг энг катта ноҳияларидан бири. Ҳатто район марказига шаҳар деб ном ҳам берилган. Лекин шундай навқирон шаҳарнинг бозори йўқ эди.

Одамлар беш-олти чақирим йўл юриб, қўшни Булоқбоши бозорига қатнашарди. Янги йилдан хўжаободликлар замонавий услубда қурилган ўз бозорига эга бўлдилар. У Андижон — Ўш йўли бўйида, шаҳарнинг қоқ ўртасида жойлашган. Унинг олд кўриниши ғоятда кўркам.

Ҳашаматли дарвозадан ўсти ёпиқ бозорга кириб борилади. Бу ерда 16 та савдо растаси бор. Бозор қурилишида Андижон вилоят матлубот жамиятлари уюшмасига қарашли механизациялашган кўчма сафи, 492-хўжалик ҳисобидаги қурилиш бўлинмаси, Андижон ирригация қурилиши трестига қарашли Хўжаобод кўчма сафи, район матлубот жамияти ва бошқа қатор ташкилотлар фаол қатнашдилар.

Бозор очилган куни Киров номли агросаноат комбинати, «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги, район тайёрлов-сотув идораси ва бошқа хўжаликлар ўзлари етиштирган маҳсулотларни келтириб сотдилар.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● Поп районидаги В. И. Ленин номли совхоз-техникумининг кутубхоначиси Муҳаббатхон Азимова ўз касбининг устаналаридан бири. У бир неча йилдирки, қишлоқ аҳолисига меҳр билан хизмат қилиб келмоқда.

СУРАТДА: М. Азимова иш устида.

П. АКБАРОВ олган сурат.

СПОРТ

ТОШКЕНТ ОЛИМПИАДАСИ...

● Спортчиларнинг энг йирик анжуманининг Ўзбекистон пойтахтида ўтказилиши ҳақида ўйлашнинг ўзи афсонадек, туюлиши табиий. Чунки, мухлислар Москва олимпиадасининг бағоят нуфузли ва унутилмас воқеаларга бой бўлганини яхши билишади. Шунга қарамай, бугунги кунда, собиқ СССР тугатилиб, Мустақил Давлатлар истиқлол шабадасидан баҳраманд бўлиб турган кезларда, бундай хайрли даъвогарликка ўрин бордек кўринади.

«Азия трейдинг интернейшнл» фирмаси таклифи билан Буюк Британия менеджерлар уюшмаси вакиллари Тошкентда бир неча кун меҳмон бўлишди. Улар орасида дам олиш ва туризмни ривожлантиришни лойиҳалаш бўйича директор Девид Френсис билан Бирмингем Кенгашининг спорт бўйича департаменти директори Джим Манн ҳам бор. Департамент директори халқаро олимпиада комитетининг аъзосидир. У киши Тошкентдаги спорт иншоотларини кўздан кечириб, мустақил Ўзбекистон Республикаси вақти келиб, ёзги олимпиада ўйинларини ўтказишга даъвогарлик қилиши мумкин, деган фикрни билдирди.

Бугун эса Франциянинг Альбервиль шаҳрида қишки олимпиаданинг тантанали очилиш маросими бўлади. Йирик спорт анжуманида биринчи марта республикамиз вакиллари ҳам қатнашдилар. Улар чанғида акробатик машқлар бажариш усталари Лина Червязова билан Лариса Удодовадир. Спортчиларимизнинг совринли ўринларни олишларига катта умид боғланмоқда.

МОСКВАГА БОРМАЙ

● Собиқ СССР футбол чемпионати бартараф бўлгач, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги биринчилигини ўтказишга қарор қилинган эди. Афсуски, буни ҳам худо кўп кўрди.

Москванинг бешта командаси бундай чемпионатда иштирок этишдан бош тортишди. Начора, Ўзбекистон футбол федерацияси бундай беқарорликдан фойдаланди. Бундан буён футболчиларимиз тўп суриш учун Москвага бормайдиган бўлишди. Ўзбекистонда миллий чемпионат ўтказиладиган бўлди. Бундай чемпионат ўтказилишининг хосияти бор. Боиси, ана шундай биринчиликлар ўтказилган давлатга халқаро футбол федерациясига аъзо бўлиш ҳуқуқи берилади. Демак бошланган иш хайрли бўлиб турибди. Республикамизда чемпионат олий, биринчи ва иккинчи лига жамоалари ўртасида уюштирилади. Олий лигада 18 жамоа, биринчи лигада 19 жамоа иштирок этади. Иккинчи лига асосан ҳаваскорлар жамоаларидан иборат бўлади.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

● ФАРҒОНАДА «Нефтяник» клуби соврини учун футбол бўйича ўтказилган анъанавий мусобақа якунланди. Сўнгги учрашувлар «Пахтакор» — «Нефтяник» ҳамда «Навбаҳор» — «Помир» жамоалари ўртасида давом этди. Бу ўйинларда дарвозалар дахлсиз қолди. Шундай қилиб, пахтакорчилар жами 4 очко билан биринчи ўринни эгаллашди. «Помир» ва «Навбаҳор» жамоаларида учтадан очко тўпланди. «Навбаҳор» ҳисобида иккита очко бор.

• 10 февраль, душанба

● ЎзТВ I

18.00 «Ўзбекистон». 18.10 Мультфильм. 18.30 «Фармон ва ижро. 19.00 «Ўзбекистон». 19.15 Охунжон Мадалиев куйлайди. 20.00 «Ўзбекистон». 20.10 «Тадбиркорлар ҳузурида». 20.25 «Санъат — қалб осмони». 21.00 «Ўзбекистон». 21.20 «Жаҳонга йўл». 21.55 Концерт. 22.25 «Шароитга қараб иш тут». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

10.30 Физика. 11.00 Телефильм. 11.30 Жуғрофия.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Ассалому алайкум». 19.30 «Билиб қўйган яхши». 19.45 Телефильм. 20.00 «Чорвадор». 20.30 «Лаҳза». 20.40 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 20.55 «Зиёкор». 21.35 «Ворис». Бадиий фильм. 23.00 «Лаҳза».

«ОРБИТА IV» (Москва)

6.00 «Тонг». 8.35 Мультфильмлар. 9.10 «Тапион хоним». Бадиий фильм. 10.40 «Тақдирингни синаб кўрма». 10.50 «Лезгинка» рақс ансамблининг концерти. 11.35 Телефильм.

12.10 Янгиликлар. 12.20 «Бу бўлган, бўлганди...». 12.45 «Бекат назоратчиси». Бадиий фильм. 13.55 XVI қишки олимпиада ўйинлари.

16.15 Янгиликлар. 16.35 «XX аср солдатлари урушга қарши». халқаро телемарафонига.
17.00 «XVI қишки олимпиада ўйинлари. 17.30 Рашида Идрисова куйлайди. 17.45 «Чемпионлар билан биргаликда». 18.00 Янгиликлар. 18.20 «Тапион хоним». Бадиий фильм. 19.45 Мультфильм. 19.55 XVI қишки олимпиада ўйинлари.

21.00 Янгиликлар. 21.20 «Янги студия» таништиради. 23.35 XVI қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей. МДҲ — Норвегия. 00.55 А. Баянова концертида.

«ДУБЛЬ IV» (Москва)

8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 9.20 Олимпиада кундалиги. 9.50 Итальян тили. 10.20 Ишдан бўш пайтингизда. 10.35 Ҳужжатли фильм. 11.00 «Нифоқ ороли. Японияндан қараганда». 11.30 «Очиқ дунё». 12.30 «Компьютер билан мулоқот». 13.10 «Рус мавсумлари».

16.00 Болалар соати. 17.00 Менеджерлар мактаби. 17.30 «Менга сўз беринг». 17.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.00 Хабарлар. 18.20 Қирралар. 19.05 Ишдан бўш пайтингизда. 19.25 Қишки олимпиада ўйинлари. 22.00 Хабарлар. 22.25 Олимпиада кундалиги. 23.00 «Ҳар куни байрам». 23.10 «Золотница»даги джаз душанбаси. 24.00 «Бешинчи ғилдирак».

• 11 февраль, сешанба

● ЎзТВ I

18.00 «Ўзбекистон». 18.10 «Ёшлик». 19.00 «Ўзбекистон». 19.15 «Суянчим — шеърият». 19.45 «Тошкент». 19.55 «Спортлото». 20.00 «Ўзбекистон». 20.10 «Чашма». 21.00 «Ўзбекистон». 21.20 «Халқ ноиби минбари». 21.35 «Генерал Раҳимов». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

10.30 Информатика. 11.00 «Севги лаҳзалари». Фильм-концерт. 11.30 Тасвирий санъат.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Телефильмлар. 19.10 «Қизиқарли учрашувлар». 20.30 «Пульс». Хабарлар. 20.40 «Тошкент ҳокимияти раҳбарлари билан учрашув». 22.00 «Пульс». 22.10 «Кинонигоҳ».

«ОРБИТА IV» (Москва)

6.00 «Тонг». 8.35 Мультфильм. 8.50 XVI қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей. МДҲ—Норвегия. 10.10 «Олтинчи палата». Телеспектакль. 11.40 Мультфильм.

12.00 Янгиликлар. 12.20 Элисо Вирсаладзе концерти. 13.15 Телефильм. 14.00 Владимир шаҳрида рақс байрами.

15.00 Янгиликлар. 15.20 Ритмик гимнастика. 15.50 «Савдо растаси». 16.05 «Ён дафтар». 16.10 «Бу сизга керакми?» 16.20 «Ольга Иванова сабоқлари». 16.35 XVI қишки олимпиада ўйинлари. 17.10 Мультфильм. 17.20 «Башорат». 17.45 Мультфильм.

18.00 Янгиликлар. 18.20 «Дело». 18.40 «Фермата». 19.15 «Афоня». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар.. 21.25 XVI қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей. АҚШ — Германия. 23.00 «Телевизион танишув». 23.55 «Навбат сизга, артист».

«ДУБЛЬ IV» (Москва)

8.00 Хабарлар. 8.20 Олимпиада кундалиги. 8.50 Француз тили. 9.20 Француз тили. 9.50 Қишки олимпиада ўйинлари. 10.30 Ишдан бўш пайтингизда. 10.45 «Простор плюс». 11.15 Деҳқонларга таллуқли масала. 11.35 Болалар соати. 12.35 «Бешинчи ғилдирак». 14.20 «Бу «Баррикаданая»да содир бўлган».

17.15 «Россия билан юзма-юз». 17.30 Автошоу. 18.00 Хабарлар. 18.20 «Уз-ўзига режиссёр». 18.55 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 19.15 «Ҳар куни байрам». 19.30 Жамоатчилик фикри. 19.45 Қишки олимпиада ўйинлари.

20.45 «Кўзгу». 21.25 Олимпиада кундалиги. 22.00 Хабарлар. 22.25 Қишки олимпиада ўйинлари. 23.55 «Ишбилармон чопар». 00.10 «Пушкиннинг сўнгги йўли».

• 12 февраль, чоршанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон». 8.20 «Санъат усталари». 9.10 «Инглиз карабинидан учта гильза». Бадиий фильм. 10.35 «Ёшлик». 18.00 «Ўзбекистон». 18.10 Мультфильм. 18.30 «Кувноқлар даврасида». 19.00 «Ўзбекистон». 19.15 «Юрагимда оқар дарёлар. 19.55 Тижорат хабарлари. 20.00 «Ўзбекистон». 20.10 Сиёсий мулоқотлар. 20.40 Ғижжак наволари. 21.00 «Ўзбекистон». 21.20 Отажон Худойшукуров концерти. 22.20 «Довондаги олишув». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». 19.20 Болалар учун фильм. 20.00 «Спринт». 20.20 «Нажот соҳили». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 22.30 «02» тўлқинида. 22.45 «Эсдалик учун дастхат».

«ОРБИТА IV» (Москва)

6.00 «Тонг». 8.35 Мультфильмлар. 9.10 XVI қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей. АҚШ — Германия. 10.30 «Чемпионлар билан биргаликда». 10.45 Болалар учун фильм. 11.50 Халқ куйлари.

12.00 Янгиликлар. 12.20 «Воронеж тупроғи». 13.10 «Ўхшаш дунёлар». 13.55 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?» 14.10 «Ён дафтар». 14.15 «Телемикст».

15.00 Янгиликлар. 15.20 Мультфильм. 15.25 О. Воронец куйлайди. 15.45 «Қарағайзордаги брусника». Бадиий фильм, 1-серия. 17.05 Мультфильм. 17.00 «Ислоҳот: ҳафтама-ҳафта». 17.50 Телефильм.

18.00 Янгиликлар. 18.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.00 Телефильм. 19.30 М. Суворова ижросида қўшиқлар. 19.55 «Мен ҳам қўшиқ куйлайин». Бадиий фильм. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

21.00 Янгиликлар. 21.25 XVI қишки олимпиада ўйинлари. 22.10 Мусиқий башорат. 22.40 XVI қишки олимпиада ўйинлари.

«ДУБЛЬ IV» (Москва)

«Мен ҳам қўшиқ куйлайин». Бадиий фильм. 11.05 «Болалар мусиқий клуби».

12.00 Янгиликлар. 12.20 «Телемикст». 13.05 «Бугун ва ўша пайтларда». 13.35 «Қарағайзордаги брусника». Бадиий фильм, 2-серия.

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Инсон ва қонун». 16.00 XVI қишки олимпиада ўйинлари. 17.40 Орган ижроси учун 3-хорал.

18.00 Янгиликлар. 18.20 «XX аср солдатлари урушга қарши» халқаро телемарафонига. 18.30 «Монте-Карлода жаҳон мусиқий совринни». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

21.00 Янгиликлар. 21.20 «Осмон ерга ясталган жойда». Бадиий фильм. 22.40 XVI қишки олимпиада ўйинлари.

«ДУБЛЬ IV» (Москва)

8.00 Хабарлар. 8.20 Олимпиада кундалиги. 8.50 Француз тили. 9.20 Қишки олимпиада ўйинлари. 10.30 Ишдан бўш пайтингизда. 10.45 «Простор плюс». 11.15 Деҳқонларга таллуқли масала. 11.35 Болалар соати. 12.35 «Бешинчи ғилдирак». 14.20 «Бу «Баррикаданая»да содир бўлган».

17.15 «Россия билан юзма-юз». 17.30 Автошоу. 18.00 Хабарлар. 18.20 «Уз-ўзига режиссёр». 18.55 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 19.15 «Ҳар куни байрам». 19.30 Жамоатчилик фикри. 19.45 Қишки олимпиада ўйинлари.

20.45 «Кўзгу». 21.25 Олимпиада кундалиги. 22.00 Хабарлар. 22.25 Қишки олимпиада ўйинлари. 23.55 «Ишбилармон чопар». 00.10 «Пушкиннинг сўнгги йўли».

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

10—16 февраль

17.05 «Қирралар». 17.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.00 Хабарлар. 18.25 «Мансаб алифбоси». 18.40 Россия парламент хабарномаси. 18.55 «Инсон манифести». 19.35 «Мени юқорига узатишди». 20.20 Қишки олимпиада ўйинлари. 22.00 Хабарлар. 22.20 «Анонс» 22.25 Олимпиада кундалиги. 23.00 «Ҳар куни байрам». 23.10 Петербург афсонаси». 24.00 «Ҳа, президент. Йўқ, президент». (Сиёсий партиялар раҳномалари Россия телевидениесида). 00.55 Джаз-клуб.

• 13 февраль, пайшанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон». 8.20 «Анъаналар — халқ мулки». 9.00 «Тутилсин ва зарарсизлантирилсин». Бадиий фильм. 10.25 «Ёшлик».

18.00 «Ўзбекистон». 18.10 Мультфильмлар. 18.35 «Фикрлар тўқнашганда». 18.55 Тижорат хабарлари. 19.00 Ўзбекистон». 19.15 «Алифбо сабоқлари». 20.00 «Жума оқшоми». Диний-маърифий кўрсатув. 20.40 Дутор ва танбур тароналари. 21.00 «Ўзбекистон». 21.20 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 22.20 Мевлуднинг боши учун беш минг сўм». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

10.30 Ўзбек адабиёти. 11.00 Телефильм. 11.30 «Ўқитувчилар иш тажрибасидан».

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Телефильм. 19.00 «Бу оқшомда». 20.30 «Пульс». 20.40 «Бу оқшомда». 21.40 Биржа янгиликлари. 21.55 «Пульс». 22.05 «Кинонигоҳ».

«ОРБИТА IV» (Москва)

6.00 «Тонг». 8.35 Мультфильм. 8.55 XVI қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей. 10.15 Испан тили. 9.20 Қишки олимпиада ўйинлари. 10.45 Испан тили. 11.15 Тоғ чанғиси. 12.15 Болалар соати. 13.15 Ишдан бўш пайтингизда. 13.30 «Қўли гул хонимлар». 13.55 Деҳқонлар қўрғони. 14.20 «Ҳа, президент. Йўқ, президент». 15.15 «Очиқ шаҳар». 16.00 «Чумаки» фольклор ансамбли. 16.25 «Бешинчи ғилдирак». 17.25 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 17.35 «Россия билан юзма-юз». 18.00 Хабарлар. 18.20 Махсус тижорат хабарномаси. 18.30 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 19.00 Россия ҳомийлари. 20.00 Қишки олимпиада ўйинлари. 20.55 «Ҳар куни байрам». 21.10 Қишки олимпиада ўйинлари. 22.00 Хабарлар. 22.25 Олимпиада кундалиги.

• 14 февраль, жума

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон». 8.20 Телефильмлар. 9.00 «Милициядаги ҳодиса». Бадиий фильм. 10.25 «Ёшлик».

18.00 «Ўзбекистон». 18.10 Мультфильм. 18.30 «Фан ва деҳқончилик». 19.00 «Ўзбекистон». 19.15 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 19.30 «Қадрият». 20.00 «Ўзбекистон». 20.10 «Ўзбекистон — жаҳонга юз тутмоқда». 20.45 Биржа янгиликлари. 21.00 «Ўзбекистон». 21.20 «Мерос». Заҳириддин Муҳаммад Бобур. 22.20 «Ўрдаккўл воқеаси». Кинокомедия.

● ЎзТВ II

10.30 Ботаника. 11.00 «Она табиат». Кинопрограмма.

18.05 **ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.**

«ОРБИТА IV» (Москва)

6.00 «Тонг». 8.35 Мультфильм. 8.45 XVI қишки олимпиада ўйинлари. 10.05 «Осмон ерга ястанган жойда». Бадиий фильм. 11.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».

12.00 Янгиликлар. 12.20 «Саёҳатчилар клуби». 13.20 Телефильм. 14.00 «Адиген» ансамбли ижро этади». 14.25 «Ён дафтар». 14.30 «Бридж». 14.45 «Бизнес-класс».

15.00 Янгиликлар. 15.20 Мультфильм. 15.30 Сизни Лариса Рубалькая таклиф этади.

18.00 Янгиликлар. 18.20 XVI қишки олимпиада ўйинлари. 18.45 «Инсон ва қонун». 19.20 «Менинг оилам ва бошқа жониворлар». Бадиий фильм, 6-серия. 19.50 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

21.00 Янгиликлар. 21.20 XVI қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей. МДҲ — Франция. 23.00 «ВИД» таништиради: «Эльдорадо», «Шоу-биржа», «Хит-конвейер».

«ДУБЛЬ IV» (Москва)

8.00 Хабарлар. 8.20 Олимпиада кундалиги. 8.50 Ишбилармон кишилар даври. 9.50 Инглиз тили. 10.20 Инглиз тили. 11.00 «Телеассамблея». 13.30 «Простор плюс». 14.00 Қишки олимпиада ўйинлари. 16.00 «Россия маданиятига ким ёрдам беради?». 16.15 Россиянинг парламент хабарномаси. 16.30 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 17.00 Компьютер билан мулоқот. 17.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 17.45 «Россиячасига хусусийлаштириш». 18.00 Хабарлар. 18.25 «Остоженколик мусаввир». 18.55 «Версия». 19.10 Ишдан бўш пайтингизда». 19.25 Қишки олимпиада ўйинлари. 22.00 Хабарлар. 22.25 Олимпиада кундалиги. 23.00 «Санта-Барбара». 23.50 «К-2» таништиради. 00.30 XVI қишки олимпиада ўйинлари.

• 15 февраль, шанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 «Тириклайин қўлга олинсин». Бадиий фильм. 10.25 «Ўзбекистон спорти». 10.55 Ўзбек тилини ўрганамиз. 11.25 Ўзбекистон халқ артисти Рўзимбек Муродов куйлайди. 12.35 «Кувноқ стартлар». 13.35 «Жаҳаннам азоблари». Спектакль. 15.15 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти. 15.45 «Ишбилармонлик — кони фойда».

18.00 Мультфильмлар. 18.25 «Булбулча» куйлайди. 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 Инглиз тили. 19.50 Телефильм. 20.00 «Лаҳза». 20.10 «Бозор иқтисодиёти остонасида». 20.40 Рақслар гулдастаси. 21.00 «Туркистон» ахбороти. 21.30 «Дайди». Бадиий фильм (Ҳиндистон). 1 ва 2-сериялар.

● ЎзТВ II

11.05 **АШХОБОД КЎРСАТАДИ.**

«ОРБИТА IV» (Москва)

7.30 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 8.30 Тонгги мусиқий кўрсатув. 9.00 «Марказ». 10.00 IX халқаро фестивали. 10.45 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 12.20 XVI қишки олимпиада ўйинлари.

13.30 Янгиликлар. 13.50 XVI қишки олимпиада ўйинлари. 15.15 «ЭХ». 15.30 «XX аср солдатлари урушга қарши» халқаро телемарафонига. 15.55 «ЖАР. Ўтмиш билан хайрлашув». 16.50 XVI қишки олимпиада ўйинлари. 18.00 «Узун сочли гўзал Варвара». Бадиий фильм. 19.35 Мультфильм. 20.00 «Бир боқишда муҳаббат». 1-кун. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

21.00 Янгиликлар. 21.25 XVI қишки олимпиада ўйинлари. 23.00 «Атиргул тутган офицер». Бадиий фильм. 00.45 «КВН»нинг учинчи фестивали.

«ДУБЛЬ IV» (Москва)

8.00 Хабарлар. 8.20 Олимпиада кундалиги. 8.50 «Сиз яратган боғ». 9.20 Мультфильм. 9.30 Миллий баскетбол уюшмасининг баскетбол шарҳи. 10.00 «Тўхтатилган вақт режимида шоу томошалари».

10.55 **ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ**

15.00 «Кобрин мактаби». Бадиий фильм. 16.50 «Ўз қўнғироқхонасидан». 17.10 «Авлодлар». 17.30 Мультфильм. 18.00 Хабарлар. 18.20 «500 орқали 500». 19.00 «Познер ва Донахью». 19.55 Қишки олимпиада ўйинлари. 20.55 «Ҳар куни байрам». 21.00 Пепси Вайрднинг концерт программаси. 22.00 Хабарлар. 22.25 Олимпиада кундалиги.

• 16 февраль, якшанба

● ЎзТВ I

8.00 «Туркистон» ахбороти. 8.30 Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов куйлайди. 9.30 Араб тили. 10.00 «Бембининг болалиги». Бадиий фильм. 11.15 «Китоб ва ҳаёт». 11.45 «Ўзбектелефильм». 1991 йил якунлари». 12.35 «Чархпалак». 13.35 «Олтин жўжа». Спектакль. 14.30 «Деҳқон ва замин».

18.00 Мультфильмлар. 18.30 Турк тили. 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Санъат усталари». 21.00 «Ўзбекистон». 21.30 «Мезон». 22.45 «Бир лаҳзалик қўрқув». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

9.05 **БИШКЕК КЎРСАТАДИ.**

«ОРБИТА IV» (Москва)

8.00 Ритмик гимнастика. 8.30 «Спортлото». 8.45 «Эрта саҳарлаб». 9.30 «Пи» белгиси билан». 10.00 «Тонг юлдузи». 10.50 Илмий-оммабоп фильм. 12.20 XVI қишки олимпиада ўйинлари. 13.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Бадиий фильм. 14.05 «Марафон-15».

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Уолт Дисней таништиради...». 16.10 «Саёҳатчилар клуби». 17.15 Эфирда бевосита мулоқот. 17.55 XVI қишки олимпиада ўйинлари. 18.45 «Телелоция».

19.00 Янгиликлар. 19.15 «Бир боқишда муҳаббат». 2-кун. 20.00 «Ёз тунидаги туш». Бадиий фильм.

22.00 «Якунлар». 22.45 «Астра» таништиради: «Донской...». 23.45 XVI қишки олимпиада ўйинлари.

«ДУБЛЬ IV» (Москва)

8.00 Хабарлар. 8.20 Олимпиада ўйинлари. 8.50 Мультфильм. 9.05 «Хоҳ ишонинг...». 9.35 «Худо берган йил ўтиб кетди». 10.00 «03» кўрсатуви. 11.00 Қишки олимпиада ўйинлари. 13.00 «Весёлие ребята» таклиф этади...».

13.50— **ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ**

19.50 «Санта-Барбара». 20.40 «Ҳар куни байрам». 20.50 «Сизга самимийлик билан...» Моноспектакль. 22.00 Хабарлар. 22.25 Олимпиада кундалиги. 23.05 Профессионаллар ўртасида жаҳон чемпионати. 00.05 А. Н. Скрябин таваллудининг 120 йиллигига бағишланган кўрсатув.

БИЛИБ ҚЎЙИГАН ЯХШИ

ТИШ ОҒРИГАНДА

● Иситмасиз оғриқни бошидан ўтказган билади. Шундай пайтлар бўладики, дори-дармонлар ҳам кор қилмай қолади. Лекин ўрганиб қўйса бўладиган йўллари бор. Жумладан мармарак гиёҳидан тайёрланланган қайнатмани иссиқ қина ҳолда оғини уч-тўрт марта чайқаш орқали ярим соат орасида оғриқни қолдириш мумкин экан.

● Айрим вилоятларда одамлар тиш оғриғини ўзига хос усулда бартараф этишга ўрганишган. Жумладан, улар саримсоқдан икки-уч бўлакчасини майдалаб, қўлнинг тиш оғримаётган тарафига, юрак уриши ўлчанадиган жойга қўйиб, боғланиши ҳам катта наф беришини амалда исботлашган. Саримсоқни қўлга қўяётганда дока ёки қоғоз қўйиб боғланса, кўпроқ наф берар экан.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

«СЕРВЕКО-КРОСНА» —

ФАЗОВИЙ ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАР ТИЗИМИ

Европа, Ҳиндистон ва Хитой теледастурларининг ажойиб тасвири ва уларни сифатли қабул қилиш. Кеча-ю кундуз давомида — узлуксиз!

— Аъло даражали ишлатиш хусусиятлари!

— 8-16 каналли тизим бўйича масофадан бошқариладиган (ВВС, МТУ, ЕВРОСПОРТ ва бошқа) дастурларнинг улкан кўлами

— Якка тартибда ва оммавий фойдаланиш имконияти.

— Қафолатли ва кафолат муҳлатидаан кейинги хизмат кўрсатиш.

Сиз учун мўлжалланган қулайликлар — биздаги юксак сифат, сервис ва арзон нархлар демакдир.

Таъминот ва мавжуд тизим билан таништирув «Сервеко» қўшма корхонаси томонидан амалга оширилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700084, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 107-уй. Ўзбекистон Республикаси Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси, «Сервеко» қўшма корхонаси.

ТЕЛЕФОНЛАР: 34-19-73, 34-32-89.

ФАКС: 34-53-91.

Ўзбекистон Республикаси давлат агросаноат комитетига қарашли

ДАЛВАРЗИН ТАЪМИРЛАШ ЗАВОДИ

тубдан таъмирлаш учун топширилган Д — 240, Д — 65Н маркали моторлар ҳамда ЭО-26-21 маркали экскаваторлардан иборат

ТАЪМИРЛАШ ЖАМҒАРМАСИНИ

ТЕКШИРУВДАН ЎТКАЗАДИ

Манзилимиз: 702936, Тошкент вилояти, Бекобод ноҳияси, Далварзин қишлоғи.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Фанлар академияси Кимё илмгоҳи жамоаси илмгоҳнинг коллоид кимё жараёнларини бошқарувчи моддалар олиш технологияси азмоишгоҳининг мудири Н. А. Хўжаховга отаси

Аҳмаджон ХУЖАХОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг раҳбарияти ва жамоаси — мусиқий шарқшунослик кафедрасининг доценти З. Т Ориповга падари бузруквори

Тоҳир ОРИПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 221.

№ 28

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 20.20 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.